I-70596

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 27 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 30 (6727)

Даъват

Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг.

Амир ТЕМУР.

Ибрат

Шаҳрихондаги 33-урта мактаб жамоаси «Мактаб боғи»ни бунёд этишди. Ҳозир боғ кишининг ҳавасини келтиради. Шу кеча-кундузда барча мактаб аҳли дарахтларни оқлаш, тагини чопиш, ариқларни тозалаш ишларини адо этаётир.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТ

25 апрель куни Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Францияга ташрифи ниҳоясига етди.

Оммавий ахборот воситалари бу ташрифнинг айрим тафсилотларини ёритишди. Париж ва Лионда ўтказилган тадбирларга дастлабки якун ясалар экан, айтиш мумкинки, мазкур сафар Узбекистон ва Франция ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Шу кунларда Франция жамоатчилиги ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 149-сессияси доирасида бу ташкилот қароргоҳида намойиш этилган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг равнақи» кўргазмаси ҳамда илмий конференция орқали мамлакатимизнинг улкан тарихий ва маданий меросининг бир қисми билан танишиш имконига эга бўлди.

Умид қиламизки, бу илмий конференция ва кўргазма ҳақида француз олимлари, Париждаги тантаналарда бевосита иштирок этган олимларимиз, мутахассислар ҳамда темурийлар меросининг тадқиқотчилари муфассал ҳикоя қилиб беришади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Париждаги машҳур «Одеон» театрида ва ЮНЕСКОнинг катта залида уюштирилган Узбекистон санъат усталарининг иккита концерти нозиктаъб француз томошабинларининггина эмас, ЮНЕСКОга аъзо бўлган мамлакатлар ҳамда Париждаги дипломатик корпус вакилларининг ҳам юксак олқишига сазовор бўлди.

Ислом Каримовнинг Францияда бўлиши дастури, унинг барча хорижий сафарлари дастури сингари, ниҳоятда тиғиз эди. Сиёсий арбоблар, ишбилармонлар олами, йирик молиявий ва банк тузилмалари вакиллари билан қўплаб учрашувлар мўлжалланган эди.

Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Франция Президенти Жак Ширак билан учрашувини қатъий равишда иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожи ҳамда бу муносабатларнинг янада чуқурлашуви йўлидаги ҳал қилувчи омил бўлди, деб баҳолаш мумкин.

Маълумки, Узбекистон—Франция муносабатлари салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Бунга Президентимизнинг 1993 йилда Францияга давлат ташрифи пайтида пойдевор қўйилган эди. Энди у янги ҳужжатлар билан тўлдирилди. Бу ҳужжатлар орасида икки томонлама солиқ олишга барҳам бериш ҳамда даромад ва капиталдан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш ҳақидаги конвенция алоҳида ўрин тутади.

Иккала давлат раҳбари сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун улкан имкониятлар мавжуд экани хусусида яқдил фикрга келдилар. Музокаралар пайтида Президентлар энг муҳим халқаро масалаларда узларининг нуқтаи назарлари бир-бирига мос келишини қайд этдилар. Айниқса, Францияннинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишидан манфаатдор эканини, Франция ҳукумати Узбекистоннинг Европа тузилмалари, хусусан, Европа Иттифоқи билан муносабатларининг ривожланишини қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Франция Республикаси Президенти иккала мамлакат раҳбарлари даражасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Йирик савдо-иқтисодий ва техник ҳамкорлик дастурларини муҳокама қилишда томонлар Узбекистон ва Франциянинг тегишли корхона ва ташкилотлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш зарурлиги ҳақида келишувга эришдилар.

Ислом Каримовнинг Жак Ширак билан учрашуви ниҳоят даражада дўстона, хайрихоҳлик ва ишонч руҳида ўтди.

Президент Ширак Узбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлардан яхши хабардор экани маълум бўлди. Суҳбат пайтида шу нарса ҳам аён бўлдики, Франция Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби билан батафсил танишиб чиққан экан. У мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш концепцияси билан бирдамлигини изҳор этди.



Томонлар халқаро ташкилотлар доирасида мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини ҳам баён қилдилар.

Жак Ширакнинг Ислом Каримовга бобокалонимиз Амир Темурнинг 1402 йилда Франция Қироли Шарл VI га йўллаган номасини тақдим этиши, шунингдек, Франция Президентининг ўз рафиқаси билан «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг равнақи» кўргазмасининг тантанали очилишида шахсан иштирок этиши Франция раҳбарининг Узбекистонга, унинг тарихи ва маданиятига чуқур эҳтироми ифодаси бўлди.

Бу кўргазма Франция жамоатчилигида, дипломатик корпус вакилларида, журналистлар ҳамда, табиийки, илмий доираларда катта қизиқиш уйғотди.

Президент Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 149-сессиясида сўзлаган нутқи жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб этди.

ЮНЕСКОнинг ноёблигини, деб таъкиллади Президент, биз энг аввало сайёрамиздаги катта ва кичик халқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бир хил ҳурмат ҳамда авайлаб қилинаётган муносабатни сақлаб қолган ҳолда, ЮНЕСКО доирасида ўзига хос ва бетакрор миллий маданиятлар ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини кенг намойиш этиш учун ғўзал имкониятлар яратилаётганида кўрамиз.

Тараққиётнинг мустақил йўлидан бораётган Узбекистон ЮНЕСКО билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда, жаҳоннинг эзгулик сиёсатини ривожлантиришда иштирок этиш мақсадида халқаро миқёсда маънавий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун олдимизда очилаётган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланмоқда.

Президент ЮНЕСКО Бош директори жаноб Федерико Майорнинг яқинда мамлакатимизга ташрифидан сўнг янада ривожлана бошлаган бу ташкилот билан алоқаларимизнинг юксак даражасини қайд этди.

Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бойдир. Давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО минбаридан туриб буюк аждодларимиз — ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур ҳамда бугунги кунда бутун дунёга машҳур Шарқ мутафаккирларининг номларини тилга олганида Узбекистон вакиллари тарихимиздан алоҳида фахрланиш туйғусини ҳис этдилар.

Президентимиз XIV асрнинг йирик ёрқин намояндаси бўлмиш Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни ва аҳамиятини алоҳида қайд этди. Амир Темур қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мисли-сиз меъморий обидалари билан машҳур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина жаҳон тарихига кирган эмас, деб таъкиллади Ислом Каримов.

Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизлару машшоқларга ғамхўрлик қилишда ҳам ном қозонган эди. Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад равнақ топишини таъминлаган Шарқ уйғониш даври эди.

«Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман», деди Ислом Каримов.

Бош директор Федерико Майор билан учрашув Узбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида бу ташкилотнинг Тошкентда ваколатхонасини очиш тўғрисидаги битимни имзолаш билан якунланди.

Ислом Каримов Франция Президенти Жак Ширак иштирокида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорга ЮНЕСКО билан Узбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги беқиёс хизматлари, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси, «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга оширгани учун Узбекистон Республикасининг олий мукофоти — «Дўстлик» орденини топширди.

Машҳур француз олими Люсьен Керэнга Амир Темур ва темурийлар даври буйича улкан илмий тадқиқотлари учун «Шуҳрат» медали топширилди.

Франция Миллий Мажлиси Раиси Ф. Сеген, шунингдек, «Франция—Узбекистон» дўстлиги депутатлар гуруҳи аъзолари билан учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, иккала мамлакат ташқи ва ички сиёсати юзасидан фикр алмашинди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари Вакил Ив Галлан ҳамда Париж ва Лионнинг савдо-саноат палаталари вакиллари билан, шунингдек, «Креди коммерсиаль де франс» банки ташкил этган молиявий доиралар вакиллари билан учрашувда батафсил муҳокама қилинди.

Узбекистон раҳбари йирик бизнес вакилларига Узбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ўзгаришлар, мамлакатда хорижий сармоядорларга яратиб берилган шароит, сармоя келишини таъминлайдиган салмоқли ҳуқуқий асос тўғрисида батафсил гапириб берди.

Шуниси қувонарлики, Франция бизнесменлари Узбекистондаги бозор ислоҳотларининг муваффақиятидан яхши хабардорлигини билдиришди ҳамда савдо-иқтисодий соҳада Узбекистон билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини изҳор этишди.

Шундай қилиб, давлат бошлиғининг навбатдаги ташрифи ниҳоясига етди. Бу ташрифнинг олдинги барча ташрифлардан фарқи шундаки, бу гал сиёсий ва иқтисодий мулоқот билан бир пайтда фақат Франция доирасидагина чекланиб қолмайдиган тарихий, маданий ва маънавий жиҳатлар ҳам сезилиб турди.

Францияга ташрифнинг дастлабки якунлари нималардан иборат?

Аввало шуни айтиш керакки, биз, Узбекистон халқи ва унинг Президенти, ҳаммамиз олдинги тоталитар тузум даврида унутиб юборилган буюк бобомиз Амир Темур олдидаги тарихий, таъбир жоиз бўлса, маънавий бурчимизни ҳам бажардик.

Ўн йил муқаддам Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 650 йил тўлган эди. Юбилейлар маъносида 650 рақами 660 га нисбатан мақбулроқ ҳисобланади. Бироқ ўша вақтда, бундан атиги ўн йил муқаддам, Амир Темурнинг ўз халқи маданияти ва маърифати соҳасидаги буюк ишлари ва ҳарбий жасоратларини билсак-да, Парижни-ку қўяверинг, Тошкентнинг ўзида ҳам бундай тадбирлар ўтказилмаган эди.

Очиғини айтадиган бўлсак, ЮНЕСКО каби мўътабар ташкилот ҳомийлигида ўтган бундай кенг кўламли тантанани илгари хаёлимизга ҳам келтира олмасдик.

Давр ўзгарди. Ўтмишга муносабат ҳам ўзгарди. Тарихга баҳо бериш мезонлари ўзгарди. Тарихий шахсларга нисбатан ҳақиқат қайта тикланди.

Ҳозирги Узбекистон ўз ўтмишини қайтадан тиклаётгани ва ўз келажагини дадил барпо этаётганлиги туфайли буюк Амир Темур шахсини шарафлаш мумкин ва ҳатто зарур бўлди. Ҳозирги Узбекистон жаҳон майдонига дадил чиқиб бормоқда ва бошқа давлатлар билан теппа-тенг мулоқот қилмоқда. Буюк аждодларимизнинг улкан тарихий ва маънавий меросига эга бўлган ҳозирги Узбекистон шу аждодларимиз билан фахрланади. Ҳар қандай халқ ҳам шундай аждодлар номи билан фахрланишни орзу қилади.

Бизнинг бой тарихий ва маданий тажрибамиз Узбекистонга жаҳон ҳамжамиятига уйғун бўлиб қўшилиш, у ерда ўзига муносиб жой топиш имконини берди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, жаҳон жамоатчилиги Узбекистоннинг тинчлик ташаббусларини, пухта ўйланган ва амалга ошириш мумкин бўлган, сохта шуҳратпарастликка алоқаси бўлмаган ташаббусларини яхши англаб қарши олди.

Ҳозир ҳамма Узбекистонни билади ва ҳурмат қилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунданоқ, кўп сонли «қатъий» тавсияномаларга қарамай, (бундай тавсия берувчилар кўп эди) ўз йўлини, фақат ўзига хос бўлган жамиятни сиёсий ва иқтисодий ислоҳ қилиш йўлини танлаб олди. Биз танлаган йўл шунга олиб келдики, биз ҳозирнинг ўзидаёқ ислоҳотларнинг дастлабки чинакам натижаларини кўриб турибмиз ва энди бозор муносабатларига ўтишнинг Узбекистон модели собиқ Иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатларга намуна бўлиши мумкин, деган гаплар эшитилянти.

Бироқ Узбекистон бошқаларга ўз йўлини тиқиштирмоқчи эмас. Ҳар бир халқ ўз йўлини танлаб олишга ҳақлидир. Биз «Узбекистон модели» ибораси тилга тушгани, бу ҳақда кўп халқаро ташкилотлар минбаридан, жаҳон матбуоти саҳифаларида гапирилаётганида ичимизда фахрлана оламиз.

Президент Ислом Каримов бозорнинг ўзи мақсад эмас, бозор, бозор муносабатлари одамлар учун муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилган тақдирдагина мақбул бўлади, деган фикрни тез-тез такрорлайди.

Бизда айни шундай, ижтимоий йўналишдаги бозорни барпо этиш жараёни бормоқда ва айни пайтда тарихий, маданий, маънавий қадриятларни қайта тиклаш юзасидан зўр бериб изчил иш олиб борилмоқда. Бу иш мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ бошланиб, тоталитар яккма мафкура тузумидан бозор муносабатларига ўтишнинг қийин шароитларида давом этмоқда. Жамиятимизда маънавий ва ахлоқий тикланиш масалалари устиворлиги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар устиворлигидан кам эмас.

Дадил айтиш мумкинки, миллий ўзини англаш туйғусининг ўсиши, миллий ғурурнинг кучайиши, биз нақадар улкан маданий ва тарихий бойликлар вориси эканимизни англаш, буюк аждодларимизнинг маънавий ва илмий жасоратларини муносиб давом эттириш истаги ҳамда энг муҳими, ҳозирги авлоднинг, айниқса, ёшларнинг халқимиз маънавий бойлигини янада ривожлантириш ва қўпайтиришга қатъий бел боғлагани — янги Узбекистон Республикаси давлати барпо этаётган пойдевор бўлди. Парижда ЮНЕСКО ҳомийлигида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига ва темурийлар даврининг бой меросига бағишлаб ўтказилган юбилей тантаналари янги «Узбекистон модели», яъни бу гал жамиятни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш модели эътироф этилганининг тасдиғи бўлди.

Президент Ислом Каримов француз журналистларининг саволларига жавоб қайтарар экан, шундай деди: «Биз шу кундаёқ узоқ келажак тўғрисида, ҳозирги ёшларнигина эмас, балки болажак авлодларнинг ҳам муносиб ва бахтли тақдири ҳақида ўйлашимиз лозим. Шу сабабли ҳозирги қийин шароитда биз асос солаётган келажак жамияти маърифатли, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан бой кишилар қўли билан барпо этилиши жуда муҳимдир. Бизда қалби ватанга меҳр ва ватан билан фахрланиш туйғуларига тўла бўлган маърифатли, билимдон, моҳир, жасур кишилар қанча кўп бўлса, келажагимиз иморати шу қадар мукаммал бўлади».

Ҳа, биз янги, замонавий завод ва корхоналар қуришни ўрганиб олдик, бу иш қўлимиздан келади. Худо хоҳласа, бозор муносабатларига ҳам тўла ўтамиз. Лекин Узбекистон халқи ва унинг Президенти бозорни инсоний, тўғриғоғи инсонпарварлик муносабатларисиз тасаввур қила олмаслиги ҳам жуда муҳим.

Бу биз танлаб олган йўлнинг яна бир хусусиятидир. Энг муҳими эса, бу йўлда чинакам ютуқларга эришилмоқда.

Дастлабки йилларда Ғарб матбуоти сиёсатчиларнинг фалокат муқаррарлиги тўғрисидаги ноҳуш фаразлари билан тўлиб кетган эди. Уларнинг фикрича, айни Марказий Осиёда, аниқроқ қилиб айтганда, Узбекистонда шундай фалокат юз бериши лозим эди. Кўп одамлар бу «башорат»ларга чиппачин ишонди ҳам. Чунки Фарғона ва Ўшдаги қонли воқеалар унутилмаган эди. Оллоҳга шукрки, халқлар ва уларнинг сиёсатчилари донолик билан иш тутгани туфайли бу башоратлар рўёбга чиқмади.

Европаликлар биздан тез-тез: қандай қилиб шу қисқа муддатда, беш йилдан камроқ вақт ичида бўҳрондан чиқибгина қолмай, олга томон ҳаракат қилдиларингиз? — деб сўраб тургани ҳақиқатан ҳам кишининг кунглини кўтариб юборади.

Шуниси қизиқки, ҳамма нарсани фойда билан ўлчайдиган европаликлар бизнинг муваффақиятларимизнинг қудратли илдизлари буюк ўтмишимизга, халқимизнинг бунёдкорлик тажрибасига таяниши борасидаги ҳақиқатни осонгина тушунишмоқда. Айни тарихий узвийлик, эски тоталитар тузум даврида зўрлик билан бузиб ташланган ва ҳозир бутун улуғворлиги билан қайтадан тикланаётган тарих занжирининг ҳалқалари бизга — тараққиётнинг янги йўлини бехато танлаб олиш ва келажак сари дадил қадам ташлаш имконини берган бой тажрибамиз, агар таъбир жоиз бўлса, қонимиздаги ирсиятлар тўғрисида бутун жаҳонга баралла гапириш ҳуқуқини беради.

Ҳозир бутун дунё Узбекистон тўғрисидаги ана шу янги ҳақиқатни англаб олгани қувончлидир. Бу ҳақиқатни биз ўзимиз — каттаюкичик қарор топтираётганимиз эса янада муҳимроқдир.

(ЎзА).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Илгари хабар қилганимиздек, 25 апрель куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг бешинчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Сессия мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёев маърузаси бўйича Олий Мажлиснинг янги сайланган депутатлари И. Ғафуров ва Ф. Муҳиддинованинг ваколатларини тўғри деб топди.

Депутатлар сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди лар, кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов Россия Федерацияси Давлат Думасининг Беловеж битимларини бир томонлама бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳамда собиқ совет ҳудудидаги давлатлараро муносабатларда юз бераётган айрим жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашларининг қўшма қарори тўғрисидаги масала юзасидан маъруза қилди.

Мазкур масала муҳокамасидан сўнг қўшма қарор қабул қилинди. Қарорда Россия Федарцияси Давлат Думасининг моҳиятига кўра, СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори ғайри-қонуний бўлиб, халқларнинг ўз келажагини ўзи белгилаш ҳақидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф нормалари ва принципларини қўпол суратда бузиши, миллатлар устидан турувчи тузилмалар яратишни назарда тутадиган давлатлараро иттифоқлар ва бирлашмаларда иштирок этиш суверен, мустақил давлатнинг мақомига зидлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси учун мақбул эмаслиги, Ўзбекистон Республикасининг барча манфаатдор тузилмалари МДҲ доирасида интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш ва айниқса, Марказий Осиёнинг минтақасида бу муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш тадбирларини кўриши

(Давоми 2-бетда).

ИККИ КУНЛИК СЕМИНАР

Биз кўпинча таълим бирламчими, тарбиями, — деган саволга турлича жавоб берамиз. Чиндан ҳам қайси бири бирламчи?

Куни кеча республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган «Узбекистон Республикаси ўқув юртларида ҳуқуқий таълим-тарбиянинг долзарб масалалари» мавзуидаги республика семинар-кенгашида ҳам шу хил маънодаги саволларга жавоб изланди.

Семинар-кенгашга республиканинг ҳуқуқшунос олим ва мутахассислари, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларининг тарбиявий ишлар проректорлари, ҳуқуқшунослик кафедраси мудирлари, ҳуқуқ фани профессор-ўқитувчилари қатнашдилар.

Ҳуқуқий тарбияга оид долзарб муаммоларга бағишланган семинар-кенгашнинг ялпи йиғилишини Республика олий ва ўрта махсус таълим вазири О. У. Салимов кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди.

Семинар-кенгаш икки кун давом этди. Унда бугунимизнинг таълим-тарбия жабҳасидаги долзарб масалалари кенг муҳокама қилинди.

Алишер НАЗАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Амир Темур» ордени таъсис этилсин.
2. «Амир Темур» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Амир Темур» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. Узбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуни (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, <186> 12, 266-модда) 11-моддасининг «Мустақиллик ордени» деган сўзларидан кейин «Амир Темур» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель.

«Амир Темур» орденининг ТАВСИФИ

«Амир Темур» ордени, муаллиф И. А. Каримов

«Амир Темур» ордени 0,25 микрон қалинликдаги тилла қопланган 925 даражали (пробали) кумуш қотишмадан тайёрланади ва икки ёнбағридан нурлар таралган саккиз қиррали бўртма юлдуз кўринишида бўлади. Юлдузнинг бурчаклари орасида яшил ранг эмаль қопланган тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учларининг ораси 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри эса 52 миллиметрдир.

Орденнинг марказида, сидирға мовий эмаль фонида гижинглаб турган оқ от минган Амир Темурнинг улуғвор қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Отлиқ Амир Темурнинг тасвири айлана билан ўралган бўлиб, айлананинг сирт чизиғи бўйича диаметри 35,5 миллиметр, ички чизиғи бўйича диаметри 24,5 миллиметрдир.

Амир Темур қиёфасини ўраб турган оқ эмалли айлананинг юқорисида ярим ой ва юлдузни ўз ичига олган мовий мусамман тасвирланган. Мусамман жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри 8 миллиметр. Ярим ой жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри 5,5 миллиметр, беш қиррали юлдуз жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри эса 3,5 миллиметрдир.

Айлананинг юқорисида, мусамманнинг сўл томонига баландлиги 3 миллиметрли ҳарфлар билан «KUCH» сўзи, мусамманнинг ўнг томонига баландлиги 3 миллиметрли ҳарфлар билан «ADOLATDA» сўзи ёзилган. Айлананинг пастида, баландлиги 2,5 миллиметрли ҳарфлар билан «AMIR TEMUR» сўзлари ёзилган.

Орденнинг орқа томонида бурама қадағичи бор.

Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орденнинг қалинлиги 7,5 миллиметр.

Орденнинг оғирлиги 68 грамм.

«Амир Темур» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Амир Темур» ордени билан Узбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. «Амир Темур» ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлиқ учун ҳам тақдирланадилар.

«Амир Темур» ордени билан Узбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Амир Темур» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. «Амир Темур» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг эллик карраси миқдорида бир йўла туланадиган пул мукофоти оладилар.

«Амир Темур» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. «Амир Темур» ордени кўкракнинг ўнг томонига «Мустақиллик» орденидан кейин тақилади.

5. «Амир Темур» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул тўлови мукофотланганнинг оиласига топширилади.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

АМЕРИКА СЕҲРЛИ ДИЁР...

Беруний шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли қатор мактаблар ёш авлод тарбияси ва таҳсили борасида қувончли натижаларга эришиб келаяпти. Жумладан, яқинда «Акселс» таълим маркази билан ҳамкорликда ўтказилган тест синови натижасига кўра шаҳардаги 41-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Оксана Блида Америкага борадиган бўлди.

БАҲСЛАРГА БОЙ ТАНЛОВ

Яқинда Поп туманидаги «Болалар ва ўсмирлар ижодиёти» маркази уйида ўтказилган «Ўқитувчи—96» кўрик-танлови баҳсларга бой бўлди.

Танлов якунида ҳакамлар тумандаги 32-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси М. Юнусовани ғолиб деб топдилар.

УСЛУБЧИЛАР ТААССУРОТИ

Республика ўқувчилар техник ижодиёти марказида мактабдан ташқари муассасалар услубчиларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан келган 45 нафар услубчи иштирок этди. Семинарда техник ижодиётни ривожлантиришдаги қилинаётган ишлар ҳамда мактабдан ташқари муассасалар бўлимларининг услубчилари иш фаолиятини ривожлантириш хусусидаги масала атрофлича муҳокама қилинди.

САМДУ ТЎЙГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Самарқанд давлат дорилфунуни 1997 йилда ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонлайди. Шу кунларда мазкур тўйга қизғин тайёргарлик бошлаб юборилди. Катта-катта тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Яқинда университетда таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ўқитиш шароитини яхшилаш, моддий база яратиш, замонавий техник воситалардан фойдаланишни йўлга қўйиш каби эзгу ниятларни амалга ошириш мақсадида «СамДУ тараққиёт жамғармаси» ташкил этилди.

ЁШ МАТЕМАТИК ВА СПОРТЧИЛАР

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 31-ўрта мактабнинг 6-«Б» ва 7-«А» синф ўқувчилари математика фанини чуқур ўрганишади. Иқтидорли, математика фанига қизиққан ўқувчиларга Раҳмонжон Маматвалиев ва Шавкат Нарзуллаев сингари тажрибали педагоглар математика сирларини ўргатишмоқда.

6-«В» ва 7-«Б» синфларда эса спортга қизиққан ўқувчилар олинган. Улар жисмоний тарбия ўқитувчилари Саидориф Хўжахонов раҳбарлигида спортнинг кураш, енгил атлетика, қўл тўпи, футбол, баскетбол, волейбол каби соҳалари бўйича машқ олиб боришмоқда.

МУАЛЛИФЛАР: А. ОМОНБОЕВ, М. УМАРОВА, Л. ТЎХТАЕВА, Ғ. САЙДУЛЛАЕВ, Ў. МЎМИНОВ.

ТАЪЛИМНИНГ АДОЛАТ МЕЗОНИ

Адолат ҳукмрон бўлган жамиятнинг истиқболи ёруғдир. Демократик жамиятнинг мезони ҳам ижтимоий адолат эканлиги бежиз эмас. Давлатимиз олиб бораётган сиёсат ҳам адолат ғоясини ўзида мужассамлаштирган. Юртбошимизнинг «Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор», деган сўзлари фикримизга далилдир.

Бу мезонга асосланиб юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари ва иштироклари асосида таълим тизими ҳам ислоҳ қилинмоқда, ўзимизга хос хусусиятлар ҳисобга олиниб ҳамда чет эл илғор тажрибаларидан оқилона фойдаланиб, янгиликлар жорий этилмоқда.

Улардан бири ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий методи сифатида таълим тизимига тест синовларининг киритилишидир. Мазкур масала Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бежиз эмас, албатта.

Собиқ Иттифоқ пайтида ўқувчилар билимини баҳолашда, айниқса, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда ижтимоий адолатга риоя қилинмас эди. Натижада билимли, иқтидорли ёшлар ўқишни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум этилардилар. Бу эса ўз навбатида ўқувчилар ва ота-оналарнинг норозилигига олиб келарди. Тест асосидаги қабулнинг кейинги тўрт йиллик тажрибаси бундай ҳолларга чек қўйиб, унинг қатор афзалликларини кўрсатди.

Биринчидан, ўқувчилар ва талабаларнинг билими холисона баҳоланмоқда. Мазкур жараёнга ота-оналар ва кенг жамоатчилик жалб қилинмоқда. Ошкораликни таъминлаш мақсадида синовларнинг бориши ва тафсилотлари оммавий ахборот воситалари орқали, ўқув юртларининг ўзида ёритилиб борилмоқда.

Иккинчидан, ўқишга кириш учун ўқувчиларга имтиёзлар берилмаяпти (умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларнинг республика босқичи голиблари бундан истисно). Асосий мезон — уларнинг билими.

Учинчидан, ҳамма турдаги таълим муассасаларида, шу жумладан, умумтаълим мактабларида ёшларнинг ўқишга қизиқиши ошмоқда.

Тўртинчидан, ота-оналарнинг мазкур жараёнга бўлган эътибори ортиб бормоқда. Бундан бир неча йил олдин фарзандларимиз учун мактаб танлаш, уларнинг олий ўқув юрларига муваффақиятли киришини , тилларни, фан асосларини чуқур ўрганишларини таъминлаш учун репетиторлар хизматидан фойдаланиш каби масалаларга деярли эътибор берилмасди. Ҳозирги пайтда бу оддий бир ҳол бўлиб қолди.

Тестнинг яна бир афзаллиги шундаки, бунда ўқувчининг вақт бюджети асралади. Абитуриент фақатгина ўз билимига суяниш кераклигини тушуниб етади ва ўз-ўзидан тушунча, малака, билимларини режалаштириб боради. Шунингдек, турли-туман ташқи таъсир, «сийлов»лардан халос бўлади. Тест синовларининг жорий қилиниши вазирлик, жойлардаги таълимни бошқарув органлари, ҳамма турдаги таълим муассасалари жамоалари олдига ҳам масъулиятли вазифаларни қўйди.

Мазкур жараён катта куч, билим ҳамда тегишли шароитлар яратишни талаб этишини ҳисобга олиб, уни босқичма-босқич жорий этишга киришилди.

Биринчи босқичда А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институти, Тошкент шаҳри, вилоятлар халқ таълими ходимлари малакаларини ошириш институтларининг ўқув режалари ва дастурларига ўзгартиришлар киритилиб, уларда тингловчиларга тест билан ишлаш принципларини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилди. Худди шундай, мазкур институтлар ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари таълим муассасалари негизида ўқувчиларни тест синовларига тайёрлаш бўйича консультация пунктлари ташкил этилди. Мактаб ўқувчиларига қулайлик яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишган ҳолда ўқув юртларига кириш жараёнида жавоб варақаларини тўғри тўлдириш, мавжуд тартиб ва қоидаларга риоя қилиш бўйича инструкциялар ҳамда жадваллар тайёрланиб, жойларга етказилди. «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари, педагогик журналлар саҳифаларида мутахассислар маслаҳатлари бериб борилди, тестларнинг ўзи чоп этилди.

Тест саволларининг мазмунини белгилашда ҳар бир ўқув фани бўйича дастурларда берилган материаллар асос қилиб олинди. Уларни тузишга жалб қилинган Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, республика Таълим илмий-методика маркази, малака ошириш институтларининг ходимлари, тажрибали методистлар ва ўқитувчилар тестларнинг педагогик-психологик талабларга жавоб беришига, саволларнинг ихчамлигига ва мазмунига эътиборни қаратдилар. Таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларининг турига қараб, тестлар ҳар хил даражада тузилди. Масалан, умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар учун алоҳида-алоҳида. Бу ишда тўпланган тажриба бизга қўл келди. Жумладан, 1991 йили эксперимент тариқасида республика Нафис санъат мактабига профессор Б. Қодиров методикаси бўйича тест асосида 300 га яқин иқтидорли ўқувчилар орасидан 66 таси танлаб олинган эди. Иккинчи босқичда, тест синовлари бевосита умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг билим сифатини аниқлашда қўлланила бошланди. Жумладан, вазирлик 1993/94 ўқув йилининг якунини таҳлил қилиш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг 70 туман ва шаҳарларидаги 400 дан зиёд мактабларида битирув имтиҳонларининг рўйхатига кирмаган фанлардан (9-синфларда кимё ва адабиёт, 11-синфларда физика ва биология) тест синовларини ўтказди. Натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, мактабларда гуманитар фанлардан дарс бериш бошқа фанларга нисбатан яхши йўлга қўйилган. Тошкент шаҳри, Андижон, Хоразм ва бошқа бир қатор вилоятлар педагогик жамоалари ўқувчиларда билим жараёнига бўлган ижобий муносабатни тарбиялашда, фанлар бўйича зарур билим ва қобилиятларни, тест билан ишлаш маҳоратини шакллантиришда мақсадга йўналтирилган ишларни амалга оширяптилар.

Кейинги йилларда вазирлик, унинг тасарруфидаги таълим муассасалари ва ўқув юртлари фаолиятида компьютер ёрдамида тест синовларини ўтказиш кенг қўлланилмоқда. Жумладан, кейинги уч йилда педагогика билим юртларига қабул айнан шу усулда ўтказилиб, ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди ҳамда абитуриентлар ва жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. Ўтган йили Андижон, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри умумтаълим мактабларининг IX—XI синф ўқувчилари ҳам тест синовларини компьютер ёрдамида топширдилар. Унинг натижаларига кўра Шаҳрихон, Сирдарё, Чирчиқ ва Тошкент шаҳар қатор мактабларининг ўқувчилари дастур материалларини яхши ўзлаштирганликларини кўрсатдилар. Синовлар натижалари бўйича ўқувчилар томонидан йўл қўйилган типик хатолар аниқланиб, уларни тугатишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилмоқда ҳамда жойларга юборилмоқда.

Ҳамма турдаги таълим муассасаларининг аттестацияси ва аккредитацияси жараёнида ҳам тест синовлари кенг қўлланилмоқда. Жумладан, вазирлик инспекцияси яқинда Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган қатор лицейларни давлат аттестациясидан ўтказаётганда ҳамма фанлардан ўқувчилар билимини тест усулида аниқлади. Ҳамма аниқ фанлардан ўқувчилар тест синовларини инглиз тилида топширдилар. Масалан, Нукус ҳамкорлик лицейида битирувчи синф ўқувчиларининг анорганик кимё бўлимидаги сифат кўрсаткичлари 72,7 фоизга етган бўлса, органик кимё бўйича 36,4 фоизни ташкил этди. Ўқувчилар кимёвий элементлар, кислоталар ва тузларнинг оддий ва структура формулаларини, углеводород, углевод ва эфирлар тузилишини яхши билсалар, уларнинг физик ва кимёвий хоссаларини таърифлаб беришда қийналадилар. Уларнинг миқдорий, нормал ва моляр эритмалар тайёрлаш бўйича билимлари талаб даражасида эмас.

Тестнинг юқоридагидек тартибда қўлланилиши ва унинг таҳлили бирор фан ёки унинг боб, бўлимларидан қўйиб юбораётган хатолари аввалдан билиниб қолади. Бу фурсатда бўшлиқ тўлдирилади.

Тест синовлари қатор ҳунар билим юртлари, бизнес мактаблари, олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртлари, турли даражадаги малака ошириш институтларининг фаолиятларида, жорий ва битирув имтиҳонларини олишда кенг қўлланилмоқда.

Худди шундай, яқинда ниҳоясига етган умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларининг якунловчи босқичи ҳам Давлат тест маркази томонидан биз билан ҳамкорликда компьютер ёрдамида тест синовлари асосида ўтказилди. Жорий ўқув йилининг якуни бўйича мамлакатимиз вилоятлари марказий шаҳарларининг барчасида имтиҳонлар тест синовлари асосида ўтказиладиган бўлди. Бу ишда Республика Давлат тест маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимлари халқ таълими муассасаларига яқиндан ёрдам берадиган бўлдилар. Умуман, таъкидлаш жоизки, бизнинг тест маркази билан бўлган алоқаларимиз мустаҳкамланиб бормоқда.

Шу билан бирга республикамиз таълим муассасалари иш фаолиятига тест синовлари секинлик билан жорий қилинаётганлигини таъкидлаш лозим. Айрим халқ таълими бошқарув органлари ва муассасалари раҳбарлари мазкур масалага етарли эътибор бермаяптилар. Натижада мазкур ҳудудлардан олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кирган ёшлар сони озчиликни ташкил этади, уларнинг билим савияси талаб даражасида эмас. Масалан, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидан саволларнинг 12 фоизи ва ундан камига жавоб берган ўқувчилар абитуриентлар умумий сонининг 64 фоизини ташкил этади.

Мазкур йўналишда ечимини кутаётган қатор муаммоларимиз ҳам бор. Жумладан, умумтаълим мактаблари, янги турдаги таълим муассасалари, ҳунар билим юртлари, педагогика ўқув юртлари учун ўқувчи ва талабаларнинг ёш хусусиятларини, уларга қўйиладиган педагогик-психологик талабларни ҳисобга олган ҳолда тест саволларини ишлаб чиқишимиз керак. Бунинг учун яқин вақт ичида вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтлари қошида, тегишли тайёргарликдан ўтган мутахассислар гуруҳларини ташкил этишни режалаштирганмиз. Мазкур гуруҳлар Давлат тест марказининг вилоятлар бўлимлари билан ҳамкорликда тестларни ишлаб чиқиш ва ишлатиш бўйича педагогик ходимлари ўртасида тегишли ишларни олиб бордилар.

Учинчи босқичда, вазирликда, республика Таълим илмий-методика маркази, республика Иқтидорли болалар маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимларида, бошқа республика ташкилотларида, вилоят халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтларида, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг методика кабинетларида тестлар банкини тузишни режалаштирдик. Ўқувчиларнинг билимини баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиш, тестлар бўйича махсус адабиётлар чиқариш, мазкур ишларга чет эл мутахассисларини жалб қилиш ва бошқа бир қатор йўналишлар бўйича ҳам тегишли ишларни олиб бормоқдамиз.

Жорий 1995/96 ўқув йили ҳам ниҳоясига етмоқда. Яна бир оз муддатдан сўнг битирувчиларимиз катта синовдан ўтадилар. Хўш, айни паллада халқ таълими ходимларининг олдидаги вазифалар нималардан иборат?

Биринчи навбатда тест қоидаларини ўрганиб чиқиш керак. Хусусан, жавоблар варақасини тўлдириш қоидалари қайта-қайта машқ қилиш асосида пухта ўрганилмоғи лозим. Тўрт йил давомида тузилган ва кириш имтиҳонларига фойдаланилган тестлар банкини тўплаш ва уларни дарслик, қўлланма ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқиш зарур. Тўғри, бунда дарсликлар орқали жавобларни қиёслаш асосида ўрганиш яхши самара беради.

Энг асосий вазифалардан яна бири, тўрт йил мобайнида Давлат тест марказидан жўнатилаётган типик хатолар устида ишлашни ташкил этишдир. Бунда ўқувчининг мактабдан бўш вақтлари маҳаллада, оилада, мактаб ва олий ўқув юртлари қошида юқори малакали мутахассисларни жалб этиш орқали репититорлик курсларини ташкил этиш айни муддао бўлади.

Репетиторлик курсларига абитуриентлар борадиган ўқув юртлари соҳаси белгиланиб, асосий диққат-эътибор зарур фанларга қаратилса, ишнинг самараси сезиларли бўлади. Аслида эса ана шундай йўналишдаги ишлар 10-синфдаёқ бошланса, унинг натижаси ҳам яхши бўлади.

Умидимиз шуки, битирувчиларимиз мураббийлар ёрдамида, жойларга юборилган ҳамда газетанинг мазкур сонида чоп этилаётган материаллардан оқилона фойдаланиб, яхши тайёргарлик кўрадилар, ўз олдиларига қўйилган мақсадларига эришадилар. Бу ишда уларга омад тилаймиз.

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.

МУКАММАЛ ТЕСТ ОРЗУСИДА

1992 йили Президент И. А. Каримов ташаббуси билан республика олий ўқув юртлари қабул жараёнига тест усулининг киритилиши миллий тараққиёт стратегиясида таълимнинг устиворлигидан гувоҳлик беради. Тест усулининг жорий этилиши уқишга, чуқур ва мустаҳкам билим олишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиради. Шу сабабли тест усулларини узлаштиришни таълим тизимидаги умумий ислоҳотнинг бир қисми деб қараш керак.

Ҳукумат қарори билан Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида янги ташкилот - тест танлови соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи Давлат тест маркази тузилган. Бугунги кунда ушбу марказ МДҲда биринчи бўлиб тест материалларини тайёрлаш, республика миқёсида синовлар ўтказиш, тест натижаларини сифатли ва тез ишлаш, уларни комплекс таҳлил этиш бўйича барча ишларни мустақил амалга оширмоқда.

Президент И. А. Каримовнинг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари сессияларида сўзлаган нутқларида таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Бу ишда тест маркази билимларни объектив баҳолаш қуроли ва таълимнинг юксак даражада бўлишини таъминловчи алоқа бўғини бўлмоғи лозим. Шу сабабли синовдан ўтган стандарт тестларни ишлаб чиқиш вазифаси ғоят долзарбдир. Ҳар бир тест топшириғини амалий текшириш ва уни статистик жиҳатдан қайта ишлашдаги стандартлаштириш вазифаси узоқ ва машаққатли меҳнатдир. Бу кўп сонли педагог ва ўқувчиларни жалб этишни талаб қилади. Шу муносабат билан мактаб - ўрта махсус ўқув юрти - олий ўқув юртида узлуксиз тест тизимини жорий этиш долзарб масала бўлиб турибди. Мактабдаги тест синовлари қобилиятли ёшларни аниқлаш ва касб лаёқати бўйича олий ўқув юртларига йўллашда ишончли воситалардан бири бўлиб қолади. Олий ўқув юрти ва битириш имтиҳонларига тест назоратини жорий этиш олий мактабдаги салбий ҳодисаларнинг олдини олувчи тизимни яратишга имкон берган бўлур эди.

Тест усулларининг ривожланиб бориши истеъдодли ёшларни аспирантура ва докторантурага танлаш, кадрлар заҳирасини тайёрлаш учун кенг имконият яратади ва фан обрусини кўтаради, энг муҳими,жамият онгида ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Айни пайтда ўқув юртларимизда тест усуллари асосида ўтказилган синовларнинг охирги уч йиллик натижалари муайян қийинчиликлар борлигини кўрсатди. Бу энг аввало, тестнинг таълим тизимига сингиб улгурмаганлиги, назарий ишланмаларнинг кечикиши, педагог мутахассисларнинг тест малакасини тўла эгаллаб ололмаётгани, махсус адабиётлар етишмаслиги, норматив база ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлигида намоён бўлмоқда.

Республикамиз олий ўқув юртларининг қабул-танловига қатнашган абитуриентлар эришган тест синовлари натижаларини таҳлил этиб, уларнинг билим даражаларини аниқлаш мумкин. Масалан,ўтган 1995 йилда олий ўқув юртларига кириш учун жами 93754 нафар абитуриент тест синовларида қатнашиб, шундан 81899 нафари кундузги, 11855 нафари эса сиртқи бўлимларда тест синовларидан ўтдилар. Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига кириш учун тест синовларида иштирок этишган абитуриентларнинг билим даражалари натижалари фанлар бўйича қуйидагидек таҳлил қилинди.

Республика миқёсида тест синовидан ўтган абитуриентларнинг ўртача 33,3 фоизи узбек тили ва адабиётидан тўғри жавоб қайтарган (энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 38,8 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида — 28,6 фоиз). Математикадан эса тест синовларидан ўтган абитуриентларнинг узбек тилидан 40,9 фоизи (энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 54,5 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида — 35,4 фоиз), рус тилида 45,3 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 54 фоиз, паст кўрсаткич Навоий вилоятида — 37 фоиз) жавобни тўғри белгилаган. Шунингдек, биологиядан ўзбек тилида 44,1 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 53,5 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида — 37,5), рус тилида 48,8 фоиз (юқори кўрсаткич Андижон вилоятида — 57,3 фоиз, паст кўрсаткич Навоий вилоятида — 32,5 фоиз); химиядан ўзбек тилида 37,5 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 48,9 фоиз), рус тилида 42,2 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 50,5 фоиз); физикадан ўзбек тилида 28,9 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 35,3 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида — 25,5 фоиз), рус тилида 33 фоиз (юқори кўрсаткич Қашқадарё вилоятида — 41,8 фоиз, паст кўрсаткич Хоразм вилоятида — 25,5 фоиз); географиядан ўзбек тилида 47 фоиз (юқори кўрсаткич Навоий вилоятида — 56,8 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида — 35,9 фоиз), рус тилида 55,4 фоиз (юқори кўрсаткич Қорақалпоғистон республикасида — 66,7 фоиз, паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида — 47,2 фоиз); тарихдан ўзбек тилида 43,6 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 49,1 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида — 37,1 фоиз), рус тилида 47,9 фоиз (юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида— 59,6 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида — 36,2 фоиз) абитуриент жавобларни тўғри белгилай олдилар. Республика миқёсида инглиз тилидан тест синовларидан ўтган абитуриентларнинг ўзбек тилида 38,1 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 56,6 фоиз, паст кўрсаткич Фарғона вилоятида — 31,6 фоиз), рус тилида 45,9 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 60,6 фоиз, паст кўрсаткич Қорақалпоғистон республикасида — 33,3 фоиз); немис тилидан ўзбек тилида 26,8 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 31 фоиз, паст кўрсаткич Қорақалпоғистон республикасида — 23,7 фоиз), рус тилида 31,1 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 43,8 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида — 24 фоиз); француз тилидан ўзбек тилида 30,5 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 44,8 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида — 26 фоиз), рус тилида 35,2 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 56,6 фоиз, паст кўрсаткич Жиззах вилоятида — 17,6 фоиз) жавобларни тўғри белгилашга муваффақ бўлдилар (тиллар абитуриентларнинг хоҳишига кўра танланди).

Юқорида айтилганидек тест усулларининг ривожланиб бориши кишилар онгида ижобий ўзгаришлар ясайди. Тест системасининг келажак ғояси шундай: тест нафақат бирор ўқув юртига киришда, балки мактабларда, олий ва ўрта махсус билим юртларига кириш ва уни битиришда, сўнгра ишга жойлашишда — 4 босқичда қўлланилиши керак. Бу босқичлар ўзига хос «филтр» вазифасини ўтаб, жамиятга, мамлакатимизга чуқур билимли, малакали кадрларни тақдим этади. Ўз навбатида, бу босқичларни тўғри тушуниб етган ҳар бир бола ёшлигидан фанларни яхши ўзлаштиришга интила бошлайди.

Жамиятда ана шундай соғлом руҳни шакллантириш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ходимлари ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида заҳмат чекмоқдалар. Айни пайтда, марказ атрофига 100 дан зиёд олимлар, малакали педагоглар йиғилган. Бу ерда, тузилаётган ҳар бир тест саволи қайта-қайта мунозарадан ўтади, обдон текширилади, хорижий эллардаги тест усуллари билан таққосланади. Қолаверса, тест маркази нашр этаётган «Ахборотнома» орқали барча қўлланилаётган тест усуллари кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади ва очиқ муҳокама қилинади.

Бизнинг мақсадимиз битта: ҳаётга жорий этилаётган тест усулларида мукаммалликка эришиш керак. Мукаммал тест саволи — нозик педагогик ўлчов услубидир. Айни вақтда бу услуб жуда юқори аниқликка эга бўлиши, инсон ақл-заковати, билими ва иқтидори даражасини тўғри белгилаб бериши даркор. Биз бу эзгу мақсадимиз йўлида анча қўламли ишларни бошлаб юборганмиз.

М. МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-бетда).

зарур эканлиги таъкидланди.

Сўнгра Парламент аъзолари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси иккинчи қисмининг лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Н. Исмоилов маъруза қилди.

Муҳокамалардан сўнг Фуқаролик Кодекси иккинчи қисми лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш ва уни кенг муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бюджет,банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Маъруза юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Қонун қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлиснинг кечки мажлиси «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Бу масала юзасидан Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси **А. Йўлдошев** маъруза қилди. Муҳокамадан сўнг Олий Мажлис қўмитага депутатлар айтган таклифлар ва мулоҳазаларни ўрганиб, натижаси ҳақида Парламентга ахборот беришни топширди.

Депутатлар «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси **А. Аҳадов**нинг маърузасини тинглади. Муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур Қонунни қабул қилдилар.

Сўнгра сессия иштирокчилари Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси **А. Йўлдошев**нинг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Маъруза муҳокама қилинди ва мазкур Қонун тасдиқланди.

***

Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси 26 апрель куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Олий Мажлис ишининг иккинчи куни саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси раиси И. Кочмарикнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини муҳокама қилиш билан бошланди. Музокараларда депутатлар: Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи **А. Болтаев**, Тошкент вилоятидаги «Янгийўл ёғ-мой» акционерлик жамиятининг раиси **Б. Худоёров**, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалигининг раиси **О. Халимбетов,** Фарғона шаҳри ҳокими **А. Отабоев** сўзга чиқдилар. Олий Мажлис бу қонунни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси **А. Йўлдошев** депутатларга акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар айтган таклифлар ва мулоҳазаларни ўрганиш натижалари ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланган ва сессияга кўриб чиқиш учун тақдим этилган эди. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси **А. Холмуродов**нинг шу масала юзасидан қилган маърузасида ҳамда депутатлардан: Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси **Э. Воҳидов**, Бухоро вилояти ҳокими **М. Раҳмонов**, «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси **А. Қаюмов**, Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани ҳокими **Т. Есимов,** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти **Т. Жўраев,** Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани ҳокими **Ш. Алланазаров** нутқларида ЮНЕСКО қарорига биноан Ўзбекистон жамоатчилиги ва бутун жаҳон Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигини нишонлаётган йилда Амир Темур орденининг таъсис этилиши мамлакат ва халқнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагининг тарихий узвийлиги рамзи, Ўзбекистоннинг юксалиши ва гуллаб-яшнашига садоқат билан хизмат қилишнинг илҳомбахш омили экани таъкидланди. Олий Мажлис Амир Темур орденини таъсис этди ва якдиллик билан тегишли қонунни қабул қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун муҳокама этилди ва қабул қилинди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси **П. Қодиров,** Андижон вилоятининг Жалолқудуқ тумани ҳокими **М. Эгамова,** «Ўзбекгеофизика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Т. Бобожонов** сўзга чиқдилар.

Депутатлар кўриб чиқиши учун уларга миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳавола қилинди. Бу ҳақда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси **Б. Наимов** маъруза қилди. Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари **Н. Исмоилов**нинг маърузаси юзасидан Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисидаги қонун иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси **Ч. Аюдиров** Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом лойиҳасининг бир қанча муҳим меъёрларини асослаб берди. Муҳокамада депутатлар: Фарғона шаҳри Қиргули тумани ҳокими **В. Белоного**в, Навоий вилоятидаги Конимех марказий касалхонаси шифокори **Б. Шоназаров,** Бухоро вилоятидаги Ғиждувон ип йигирув-тўқув фабрикасининг директори **А. Умаров** иштирок этдилар. Олий Мажлис мазкур низомни тасдиқлади.

Парламент амалдаги қонун ҳужжатларига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Конституцияга мувофиқ, сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармонлари тасдиқланди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳамда БМТ ходимлари ва бу ташкилотга алоқадор ходимларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги конвенцияларга қўшилиши ҳақида қарор қабул қилди. Кимёвий куролларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва ишлатишни тақиқлаш ҳамда уларни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги конвенция тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини ва айрим судьяларини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ваколат муддати тугагани муносабати билан **У. Мингбоев** иккинчи муддатга Олий суд раиси этиб сайланди**. Х. Кудратов, С. Эшонқулов** Олий суд судьялари этиб сайланди.

Сўнгра депутатлар Олий Мажлис бешинчи сессияси котибияти раҳбари **Н. Бердиқулов**нинг қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Конституциянинг 84-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995 йилги ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Парламент айрим маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Андижон вилоятидаги Комсомолобод тумани номи — Улуғнор тумани, Жиззах вилоятидаги Уляновск шаҳри номи — Даштобод шаҳри деб ўзгартирилди.

Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси бешинчи сессияси ўз ишини тугатди.



Ўргатиш ва ўрганиш... Устоз ўргатувчи, кўзлари ҳайратга тўла болажонлар эса ўрганувчи. Китоб, дафтар, энг муҳими, қунт-ҳафсала бўлса, бари осон кўчади.

Машкура Рўзиевада қунт етарли. У Янгийўл шаҳридаги 16-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси. Унинг ўқувчилари ҳам қизиқувчан, интилувчан, ўрганишга беҳад ўч. Зеро, Машкура Рўзиевага ҳарф танитиш, сабоқ бериш ортиқ даражада мушкулликлар туғдирмайди.

Суратқаш Рашид ГАЛИЕВ.

ТЕСТ СИНОВИГА ТАЙЁРМИСИЗ? Абитуриент-96

Ушбу эслатманинг мақсади — Ўзбекистондаги олий ёки ўрта махсус ўқув юртига кираётган абитуриентни қабул қилиш тартиби ва қоидаларининг асосий шарт-шароитлари, тест имтиҳони тартиби, жавоблар варақасини тўлдириш услуби билан таништиришдир. Эслатмани қунт билан ўқиш англашилмовчиликдан, чалкашликдан ва имтиҳонда вақтни беҳуда сарфлашдан сақланиш имконини беради.

ҚАБУЛНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра олий ва ўрта махсус ўқув юртларига абитуриентлар тест синови натижасида олинган баллар якунига асосан қабул қилинадилар.

Ўзбекистонда жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси каби, абитуриентларни тест синови натижасида олган балларни ҳисобга олувчи рейтинг тизими асосида қабул қилиш бошқа танлов услублари, масалан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўтказилган анъанавий қабул имтиҳонларига нисбатан ишончлироқ ва объективроқ эканлигини кўрсатди.

Мамлакатда тест синовларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази амалга оширади.

Тест синовлари уч тилда — **ўзбек, рус ва қорақалпоқ** тилларида ўтказилади. Абитуриент олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқийдиган тилда тест синовларидан ўтади.

Баъзи мутахассисликларда тест синови билан бир қаторда ихтисослиги бўйича кўп баллик тизимда (ижодий) имтиҳон ўтказилади (масалан, музика, жисмоний тарбия, рассомчилик ва бошқаларда).

Тест синовлари учун таълим тизимларига мос фанлар танланади ва ҳар бир тўғри жавоб учун балл миқдори белгиланади.

Олий ўқув юртида танланган ихтисосликка боғлиқ ҳолда **икки** ёки **уч** фан бўйича; ўрта махсус ўқув юртларига кирувчилар эса **икки фан** бўйича тест синовидан ўтади.

ТЕСТ ИМТИҲОНИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Олий ўқув юртларига кирувчилар учун блоклар қуйидаги фанлардан ташкил этилади: она тили (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти); иккинчи тил (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти); математика, физика, химия, биология, тарих, география, чет тили (инглиз, немис, француз тиллари).

Блокнинг ҳар бир фани бўйича **36 тест** топшириғи берилади.

Ҳар бир тест топшириғининг тузилиши ҳамма фанлар учун бир хил: савол ва унга **бешта** жавоб берилиб, ундан фақат **биттаси** тўғри эканлигига эътиборингизни жалб қилмоқчимиз.

Тест топшириқлари Ўзбекистон республикаси ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув режаларига мос равишда тузилади ва улар ҳар хил мураккаблик даражасига эга. Тест топшириғи абитуриентнинг билими ва малакасини текширади.

Тест синовининг ҳамма фанлар бўйича талайгина намуналари Давлат тест маркази томонидан 1995 йили «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарида эълон қилинган; 1996 йили Давлат тест марказининг даврий журнали «Ахборотнома»да эълон қилинмоқда. Шу нашрларда тест синовларига мустақил тайёрланиш учун услубий тавсиялар ҳам чоп этиб борилмоқда.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

Абитуриентлар ҳужжатларини олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қабул комиссияларига топширадилар. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати Ўзбекистон республикаси ўқув юртларига қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Қабул комиссиялари ҳужжатларни қабул қилиб олгач ҳар бир абитуриентга Давлат тест маркази томонидан белгиланган нусхадаги титул варақаси ва рухсатнома берилади. Бу ҳужжатлар қабул комиссияси томонидан абитуриентларнинг аризалари ва бошқа ҳужжатлари асосида тўлдирилади. Абитуриент титул варақаси ва рухсатномани олган заҳоти уларни диққат билан кўриб чиқиши ва ҳужжатларни тўғри ёки нотўғри тўлдириши билан боғлиқ бўлган барча саволлар билан дарҳол қабул комиссиясига мурожаат қилиши керак. Титул варақаси ва рухсатномасиз абитуриент тест синовларига киритилмаслигини унутманг.

Титул варақаси ва рухсатноманинг тўғри тўлдирилиши абитуриент жавоблар варақасининг маълумот қисмини тўғри тўлдиришини таъминлайди.

ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

- Тест синовлари Олий ўқув юртларининг кундузги ёки сиртқи бўлимига, ўрта махсус ўқув юртларига кирувчи ҳар бир абитуриент учун бир йилда бир марта Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилади.
- Абитуриент, юқорида таъкидланганидек, блокнинг икки ёки уч фани бўйича тест синовларидан ўтади.
- Саволларга жавоб бериш учун қуйидаги вақт нормалари белгиланади:

  а) 72 савол учун 2 соат;

  в) 108 савол учун 3 соат.
- Тест синовлари соат 8 дан 30 минут ўтганда тест тартиб-қоидаларини тушунтириш билан бошланади. Тушунтиришга ажратилган 30 мин. вақт тест синови вақтига кирмайди.
- Тест синовида ҳар бир абитуриентга саволлар китоби ва жавоблар варақаси берилади (қуйида батафсил тушунтириш берилади).
- Тушунтириш вақтида эълон қилинган талабларни абитуриент диққат билан эшитиши ва тўлиқ бажариши керак.
- Тушунтиришдаги талабларни бажаришда эътиборсизлик ва ҳафсаласизлик қилиш синов жавоб варақасини тўлдиришда хатоликка йўл қўйишга олиб келади.
- Тест саволига тўғри жавобни белгилашда абитуриент саволлар китобидаги тўғри деб ҳисоблаган жавобга ўзи учун қулай бўлган бирон белгиларни қўйиши мумкин.
- Ундан ташқари, саволлар китобида ҳисоблаш учун тоза саҳифа қолдирилган бўлади.
- Жавоблар варақасини тўлдириш учун саволларга жавоб бериш учун ажратилган вақтдан ташқари яна **20 минут** вақт берилади.
- Жавоблар варақаси **кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка** билан тўлдирилади.
- Тест синовлари вақтида **аудиториядан чиқиш** мумкин эмас. Абитуриент саволларга муддатидан илгари жавоб беришни тугатса, у жавоблар варақаси, саволлар китоби, титул варақасини топшириб аудиториядан чиқиб кетади.
- Ажратилган **вақт тугаганидан** кейин тест синовлари **ҳамма** абитуриентлар учун тўхтатилади.
- Ўз рейтингини қиғир йўл билан оширишга ҳаракат қилмаслик керак. Абитуриент бошқа абитуриентга бирор нарсани айтиб берса ёки кўчирмакашлик қилса, у тест синовида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилади ва аудиториядан чиқариб юборилади.
- Тест синовига белгиланган муддатда келмаган абитуриентлар учун **қўшимча имтиҳон ўтказилмайди**.
- Саволлар китобидан шу блокларга мос келадиган саволлар жавоблари белгиланиши лозим. Ҳар бир саволга фақат битта жавоб аниқ белгиланиши тўғри ҳисобланади. Бордию, **биттадан ортиқ жавоб белгиланса,** жавоб хато ҳисобланади ва унга **нол балл** берилади.
- Абитуриент тест синови қоидаларига кўра унинг жавоб варақаси тўппа-тўғри компьютерга туширилишини унутмаслиги керак.
- Чет **(инглиз, немис, француз)** тилидан ёки иккинчи **(ўзбек, рус, қорақалпоқ)** тилдан тест синовидан ўтаётган ўқувчилар керакли блокда синовдан ўтаётган тилига мос доирачани бўяшлари керак.
- Жавоб варақасининг тўғри тўлдирилишига фақат абитуриентнинг ўзи масъул: компьютер белгилаган жавобларнигина ўқийди. Шунинг учун жавоблар варақасига **ортиқча белгилар қўйманг.**

Жавоблар варақасини тўлдириш тўғрисида йўриқнома

Сиз тўлдирган жавоблар варақаси билимингизни баҳолашда асосий ҳужжат ҳисобланади. Уни тўлдиришда хатоликка йўл қўйманг!

Жавоблар варақасидаги матнни синчиклаб ўрганиб чиқинг. Жавоблар варақасининг матнида келтирилган барча кўрсатмалар бажарилиши шарт.

Тест синовлари бошланишидан олдин «Рухсатнома» ва «Титул варақаси»нинг тегишли жойларига кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка билан сизга берилган жавоблар варақасининг 4-блокидаги тартиб рақамини кўчириб ёзинг.

Абитуриент томонидан белгиланган жавоблар варақаси оптик қурилмаларда ўқилади ва натижалари компьютерларда таҳлил қилинади, шу сабабдан қуйидаги талабларга қатъий риоя қилиш жуда муҳимдир:

1. Жавоблар варақасини тўлдиришда фақат кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручкадан фойдаланинг. Фломастер, сиёҳли авторучкадан фойдаланиш ман этилади.

2. Ўқув юрти номи ва танланган ихтисосликни ўз дастхатингиз билан жавоблар варақасининг 1-блокига титул варақангиздан кўчиринг.

3. Тугатган мактабингиз жойлашган вилоят, туман, шаҳар, шаҳар тумани, кодларини, мактаб рақамини, 1-ўқув юрти (мақсадли қабул қилинувчилардан ташқари) ва ихтисослик кодларини, ижодий имтиҳон балини 2-блокнинг мос жойларига титул варақангиздан кўчиринг ва доирачаларини мос равишда бўянг. Мақсадли қабул билан кирувчилар эса 2-ўқув юрти устинини тўлдиради.

4. Абитуриентга берилган жавоблар варақаси вариантига мос саволлар китобчаси берилади. Шунинг учун жавоблар варақасининг 3 блокига абитуриент томонидан ҳеч қандай белги ёки ёзув қўйилмайди, акс ҳолда абитуриентнинг тест натижалари бекор қилинади.

5. Чет (инглиз, немис, француз) тилидан ёки иккинчи (ўзбек, рус, қорақалпоқ) тилидан тест синовидан ўтаётган ўқувчилар керакли блокда синовдан ўтаётган тилига мос доирачани бўяшлари шарт.

6. Саволлар китобидаги тест топшириқларининг жавобларидан сиз тўғри деб ҳисоблаганингизни жавоблар варақасининг мос блокларига (I-IX) кўк (ҳаворанг) пастали ручка билан A, B, C, D ёки E белгили доирачалардан бирини бўяйсиз. Агар абитуриент битта саволга бир нечта жавобни белгиласа, ушбу саволга баҳо берилмайди. Бўяш саранжомлик билан, доирачадан четга чиқмасдан ва барча доирачалар бир текисда (тўқлиги бир хил бўлган ҳолда) бажарилиши лозим. Доирачаларни тўлдириш намунаси жавоблар варақасида кўрсатилган.

Жавоблар варақасини ғижимлаш, четларини букиш, ҳар хил хираликда бўяш, турли белгилар қўйиш мутлақо мумкин эмас, чунки булар ЭҲМнинг оптик қурилмаларида ўқитилганда салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

КЕЛИНГ, ТЕСТНИ АМАЛДА БАЖАРАМИЗ

«Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деган нақлга амал қилиб қуйида химия, биология, ўзбек тили ва адабиёти фанларидан тест топшириқлари, уларга жавобларни белгилаш, Тошкент I тиббиёт институти (коди 364) Даволаш иши мутахассислиги (коди 1004) учун Талат Аҳмедов тўлдирган жавоблар варақасини келтирамиз. Абитуриент Тошкент вилояти (коди 13), Қибрай тумани (коди 240)даги 6-мактаб (006) ни тугатган. У юқорида кўрсатилган фанлар бўйича тестдан ўтади.

Абитуриент саволларга тўғри жавоб берса, ҳар бир саволдан химия учун 3,1 балл, биология учун 2,1 балл, ўзбек тили ва адабиёти учун — 1,1 балл тўплаши мумкин. Саҳифамизнинг орқа бетида тест саволлари берилган. Қани, сиз ҳам ишлаб кўринг-чи!

ДТМ
Давлат Тест Маркази

ЖАВОБЛАР ВАРАҚАСИ
ЛИСТ ОТВЕТОВ

DTM
Davlat Test Markazi

Диққат! Варақангизни бошқа абитуриентларга кўрсатманг.
Внимание! Не показывайте Ваш лист ответов другим абитуриентам.

Абитуриентлар диққатига !

1. Жавоблар варақаси варианти ③ билан саволлар китоби варианти мослигини текширинг.
2. Жавоблар варақасини тўлдиришда фақат кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручкадан фойдаланинг. Фломастер ва сиёҳли авторучкадан фойдаланиш ман этилади.
3. Жавоблар варақаси номерини ④ дан титул варақангиздаги ва рухсатномангиздаги мос катакларга кўчириб ёзинг.
4. Ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни ① га ёзинг ва имзоланг.
5. Тугатган мактабингиз жойлашган вилоят, туман, шаҳар, шаҳар тумани кодларини, мактаб номерини, 1-ўқув юрти (мақсадли қабул билан кирувчилардан ташқари) ва ихтисослик кодларини, ижодий имтиҳон баллини ② нинг мос жойларига титул варақангиздан кўчиринг ва доирачаларини мос равишда бўянг. Мақсадли қабул билан кирувчилар эса 2-ўқув юрти устунини тўлдиради.
6. I–IX блоклардан танлаган ихтисослигингизга мос келувчи тест ўтказиладиган фанларни аниқланг. Чет тили ва иккинчи тил бўйича тест топшираётган абитуриентлар мос келган тилга тегишли доирачани бўяб қўйиши керак. Китобчадага тест саволларига тўғри деб ҳисоблаган жавобларингизни жавоблар варақасининг тегишли фан блокларидаги доирачаларига белгиланг.
Ҳар бир тест саволига фақат битта жавоб белгиланганда жавоб тўғри белгиланган ҳисобланади.

Внимание абитуриентов !

1. Проверьте соответствие варианта Вашего листа ответов из ③ и варианта книги вопросов.
2. При заполнении листа ответов используйте шариковую ручку с синей пастой средней жирности. Применение фломастеров и чернильных ручек не допускается.
3. Номер листа ответов из ④ перепишите в соответствующие клетки Вашего титульного листа и пропуска.
4. В ① запишите свои данные и распишитесь.
5. В ② перепишите из титульного листа цифры и закрасьте соответствующие им кружочки кодов области, района, города, городского района, где Вы заканчивали школу, номер школы, код 1-го учебного заведения (кроме поступающих по целевому набору), специальности, балл за творческий экзамен, если таковой имел место. Абитуриенты, поступающие по целевому набору, заполняют колонку 2-го учебного заведения.
6. Определите из блоков I–IX те, которые соответствуют дисциплинам тестирования по выбранной Вами специальности. Абитуриенты, проходящие тестирование по иностранному или второму языку, должны закрасить кружок соответствующего языка. Отмечайте в этих блоках Ваши ответы на задания из книги вопросов. Правильное заполнение предполагает только один ответ на каждый вопрос.

① Фамилияси: Ахмедов Исми (Имя): Талат
Отасининг исми (Отчество):
Ўқув юрти (ВУЗ,ССУЗ): I Тош ТИ
Ихтисослик (Специальность): даволаш иши
Имзо (подпись):

Белгилаш учун намуна — Образец закрашивания
Тўғри ● — Правильно
Нотўғри ⊗ ◎ ⊙ Ⓥ — Неправильно

②

Вилоят (Область)	Туман (Район)	Шаҳар (Город)	Шаҳар тумани Городской район	Мактаб номери Номер школы	1. Ўқув юрти (ВУЗ, ССУЗ)	2. ЎЮ (Мақсадли қабул) УЗ (Целевой прием)	Ихтисос (Специальность)	Ижодий имтиҳон балли Балл творческ. экзамена
13	240	361		006	364		1004	

③ ВАРИАНТ 01

I. ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (Родной язык и литература)

1 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	13 ●ⒷⒸⒹⒺ	25 ⒶⒷⒸⒹ●	
2 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	14 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	26 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	
3 ⒶⒷ●ⒹⒺ	15 ⒶⒷ●ⒹⒺ	27 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	
4 ⒶⒷ●ⒹⒺ	16 ●ⒷⒸⒹⒺ	28 ⒶⒷⒸⒹ●	
5 ⒶⒷⒸⒹ●	17 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	29 ⒶⒷⒸⒹ●	
6 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	18 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	30 ⒶⒷ●ⒹⒺ	
7 ⒶⒷ●ⒹⒺ	19 ⒶⒷⒸⒹ●	31 ●ⒷⒸⒹⒺ	
8 ⒶⒷⒸⒹ●	20 ●ⒷⒸⒹⒺ	32 ●ⒷⒸⒹⒺ	
9 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	21 ⒶⒷⒸⒹ●	33 ●ⒷⒸⒹⒺ	
10 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	22 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	34 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	
11 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	23 ⒶⒷ●ⒹⒺ	35 ⒶⒷ●ⒹⒺ	
12 ⒶⒷⒸⒹ●	24 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	36 ●ⒷⒸⒹⒺ	

II. ЧЕТ ТИЛИ (Иностранный язык)
○ Инглиз ○ Немис ○ Француз

1 ⒶⒷⒸⒹⒺ	13 ⒶⒷⒸⒹⒺ	25 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
2 ⒶⒷⒸⒹⒺ	14 ⒶⒷⒸⒹⒺ	26 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
3 ⒶⒷⒸⒹⒺ	15 ⒶⒷⒸⒹⒺ	27 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
4 ⒶⒷⒸⒹⒺ	16 ⒶⒷⒸⒹⒺ	28 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
5 ⒶⒷⒸⒹⒺ	17 ⒶⒷⒸⒹⒺ	29 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
6 ⒶⒷⒸⒹⒺ	18 ⒶⒷⒸⒹⒺ	30 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
7 ⒶⒷⒸⒹⒺ	19 ⒶⒷⒸⒹⒺ	31 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
8 ⒶⒷⒸⒹⒺ	20 ⒶⒷⒸⒹⒺ	32 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
9 ⒶⒷⒸⒹⒺ	21 ⒶⒷⒸⒹⒺ	33 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
10 ⒶⒷⒸⒹⒺ	22 ⒶⒷⒸⒹⒺ	34 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
11 ⒶⒷⒸⒹⒺ	23 ⒶⒷⒸⒹⒺ	35 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
12 ⒶⒷⒸⒹⒺ	24 ⒶⒷⒸⒹⒺ	36 ⒶⒷⒸⒹⒺ	

III. ТАРИХ (История)

1 ⒶⒷⒸⒹⒺ	13 ⒶⒷⒸⒹⒺ	25 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
2 ⒶⒷⒸⒹⒺ	14 ⒶⒷⒸⒹⒺ	26 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
3 ⒶⒷⒸⒹⒺ	15 ⒶⒷⒸⒹⒺ	27 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
4 ⒶⒷⒸⒹⒺ	16 ⒶⒷⒸⒹⒺ	28 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
5 ⒶⒷⒸⒹⒺ	17 ⒶⒷⒸⒹⒺ	29 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
6 ⒶⒷⒸⒹⒺ	18 ⒶⒷⒸⒹⒺ	30 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
7 ⒶⒷⒸⒹⒺ	19 ⒶⒷⒸⒹⒺ	31 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
8 ⒶⒷⒸⒹⒺ	20 ⒶⒷⒸⒹⒺ	32 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
9 ⒶⒷⒸⒹⒺ	21 ⒶⒷⒸⒹⒺ	33 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
10 ⒶⒷⒸⒹⒺ	22 ⒶⒷⒸⒹⒺ	34 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
11 ⒶⒷⒸⒹⒺ	23 ⒶⒷⒸⒹⒺ	35 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
12 ⒶⒷⒸⒹⒺ	24 ⒶⒷⒸⒹⒺ	36 ⒶⒷⒸⒹⒺ	

IV. ИККИНЧИ ТИЛ
○ Ўзбек тили ○ Рус тили ○ Қорақалпоқ тили

1 ⒶⒷⒸⒹⒺ	13 ⒶⒷⒸⒹⒺ	25 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
2 ⒶⒷⒸⒹⒺ	14 ⒶⒷⒸⒹⒺ	26 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
3 ⒶⒷⒸⒹⒺ	15 ⒶⒷⒸⒹⒺ	27 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
4 ⒶⒷⒸⒹⒺ	16 ⒶⒷⒸⒹⒺ	28 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
5 ⒶⒷⒸⒹⒺ	17 ⒶⒷⒸⒹⒺ	29 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
6 ⒶⒷⒸⒹⒺ	18 ⒶⒷⒸⒹⒺ	30 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
7 ⒶⒷⒸⒹⒺ	19 ⒶⒷⒸⒹⒺ	31 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
8 ⒶⒷⒸⒹⒺ	20 ⒶⒷⒸⒹⒺ	32 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
9 ⒶⒷⒸⒹⒺ	21 ⒶⒷⒸⒹⒺ	33 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
10 ⒶⒷⒸⒹⒺ	22 ⒶⒷⒸⒹⒺ	34 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
11 ⒶⒷⒸⒹⒺ	23 ⒶⒷⒸⒹⒺ	35 ⒶⒷⒸⒹⒺ	
12 ⒶⒷⒸⒹⒺ	24 ⒶⒷⒸⒹⒺ	36 ⒶⒷⒸⒹⒺ	

④ НОМЕР

Диққат! Бу ерга ручка теккизманг
(Внимание! Здесь не закрашивайте)

○	○	○	○	○	○	○	○	○
○	○	○	○	○	○	○	○	○
○	○	○	○	○	○	○	○	○
○	○	○	○	○	○	○	○	○
○	○	○	○	○	○	○	○	○

V. МАТЕМАТИКА

1 ⒶⒷⒸⒹⒺ	10 ⒶⒷⒸⒹⒺ	19 ⒶⒷⒸⒹⒺ	28 ⒶⒷⒸⒹⒺ
2 ⒶⒷⒸⒹⒺ	11 ⒶⒷⒸⒹⒺ	20 ⒶⒷⒸⒹⒺ	29 ⒶⒷⒸⒹⒺ
3 ⒶⒷⒸⒹⒺ	12 ⒶⒷⒸⒹⒺ	21 ⒶⒷⒸⒹⒺ	30 ⒶⒷⒸⒹⒺ
4 ⒶⒷⒸⒹⒺ	13 ⒶⒷⒸⒹⒺ	22 ⒶⒷⒸⒹⒺ	31 ⒶⒷⒸⒹⒺ
5 ⒶⒷⒸⒹⒺ	14 ⒶⒷⒸⒹⒺ	23 ⒶⒷⒸⒹⒺ	32 ⒶⒷⒸⒹⒺ
6 ⒶⒷⒸⒹⒺ	15 ⒶⒷⒸⒹⒺ	24 ⒶⒷⒸⒹⒺ	33 ⒶⒷⒸⒹⒺ
7 ⒶⒷⒸⒹⒺ	16 ⒶⒷⒸⒹⒺ	25 ⒶⒷⒸⒹⒺ	34 ⒶⒷⒸⒹⒺ
8 ⒶⒷⒸⒹⒺ	17 ⒶⒷⒸⒹⒺ	26 ⒶⒷⒸⒹⒺ	35 ⒶⒷⒸⒹⒺ
9 ⒶⒷⒸⒹⒺ	18 ⒶⒷⒸⒹⒺ	27 ⒶⒷⒸⒹⒺ	36 ⒶⒷⒸⒹⒺ

VI. ФИЗИКА

1 ⒶⒷⒸⒹⒺ	10 ⒶⒷⒸⒹⒺ	19 ⒶⒷⒸⒹⒺ	28 ⒶⒷⒸⒹⒺ
2 ⒶⒷⒸⒹⒺ	11 ⒶⒷⒸⒹⒺ	20 ⒶⒷⒸⒹⒺ	29 ⒶⒷⒸⒹⒺ
3 ⒶⒷⒸⒹⒺ	12 ⒶⒷⒸⒹⒺ	21 ⒶⒷⒸⒹⒺ	30 ⒶⒷⒸⒹⒺ
4 ⒶⒷⒸⒹⒺ	13 ⒶⒷⒸⒹⒺ	22 ⒶⒷⒸⒹⒺ	31 ⒶⒷⒸⒹⒺ
5 ⒶⒷⒸⒹⒺ	14 ⒶⒷⒸⒹⒺ	23 ⒶⒷⒸⒹⒺ	32 ⒶⒷⒸⒹⒺ
6 ⒶⒷⒸⒹⒺ	15 ⒶⒷⒸⒹⒺ	24 ⒶⒷⒸⒹⒺ	33 ⒶⒷⒸⒹⒺ
7 ⒶⒷⒸⒹⒺ	16 ⒶⒷⒸⒹⒺ	25 ⒶⒷⒸⒹⒺ	34 ⒶⒷⒸⒹⒺ
8 ⒶⒷⒸⒹⒺ	17 ⒶⒷⒸⒹⒺ	26 ⒶⒷⒸⒹⒺ	35 ⒶⒷⒸⒹⒺ
9 ⒶⒷⒸⒹⒺ	18 ⒶⒷⒸⒹⒺ	27 ⒶⒷⒸⒹⒺ	36 ⒶⒷⒸⒹⒺ

VII. БИОЛОГИЯ

1 ●ⒷⒸⒹⒺ	10 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	19 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	28 ⒶⒷⒸ●Ⓔ
2 ⒶⒷ●ⒹⒺ	11 ⒶⒷ●ⒹⒺ	20 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	29 ⒶⒷⒸⒹ●
3 ●ⒷⒸⒹⒺ	12 ●ⒷⒸⒹⒺ	21 ⒶⒷⒸⒹ●	30 ⒶⒷⒸ●Ⓔ
4 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	13 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	22 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	31 ⒶⒷⒸ●Ⓔ
5 ●ⒷⒸⒹⒺ	14 ⒶⒷ●ⒹⒺ	23 ⒶⒷ●ⒹⒺ	32 ⒶⒷⒸ●Ⓔ
6 ⒶⒷ●ⒹⒺ	15 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	24 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	33 ⒶⒷⒸ●Ⓔ
7 ⒶⒷ●ⒹⒺ	16 ⒶⒷ●ⒹⒺ	25 ⒶⒷ●ⒹⒺ	34 ⒶⒷ●ⒹⒺ
8 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	17 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	26 ●ⒷⒸⒹⒺ	35 ⒶⒷⒸ●Ⓔ
9 ⒶⒷⒸⒹ●	18 ●ⒷⒸⒹⒺ	27 ⒶⒷⒸⒹ●	36 ●ⒷⒸⒹⒺ

VIII. КИМЁ (Химия)

1 ⒶⒷⒸⒹ●	10 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	19 ⒶⒷ●ⒹⒺ	28 ●ⒷⒸⒹⒺ
2 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	11 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	20 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	29 ●ⒷⒸⒹⒺ
3 ⒶⒷⒸⒹ●	12 ⒶⒷ●ⒹⒺ	21 ●ⒷⒸⒹⒺ	30 ⒶⒷⒸⒹ●
4 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	13 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	22 ●ⒷⒸⒹⒺ	31 ⒶⒷ●ⒹⒺ
5 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	14 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	23 ●ⒷⒸⒹⒺ	32 ⒶⒷⒸ●Ⓔ
6 ⒶⒷ●ⒹⒺ	15 ⒶⒷⒸⒹ●	24 ⒶⒷ●ⒹⒺ	33 ●ⒷⒸⒹⒺ
7 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	16 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	25 ⒶⒷ●ⒹⒺ	34 ⒶⒷⒸ●Ⓔ
8 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	17 ⒶⒷ●ⒹⒺ	26 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	35 ●ⒷⒸⒹⒺ
9 ●ⒷⒸⒹⒺ	18 ⒶⒷⒸ●Ⓔ	27 Ⓐ●ⒸⒹⒺ	36 ⒶⒷⒸ●Ⓔ

IX. ГЕОГРАФИЯ

1 ⒶⒷⒸⒹⒺ	10 ⒶⒷⒸⒹⒺ	19 ⒶⒷⒸⒹⒺ	28 ⒶⒷⒸⒹⒺ
2 ⒶⒷⒸⒹⒺ	11 ⒶⒷⒸⒹⒺ	20 ⒶⒷⒸⒹⒺ	29 ⒶⒷⒸⒹⒺ
3 ⒶⒷⒸⒹⒺ	12 ⒶⒷⒸⒹⒺ	21 ⒶⒷⒸⒹⒺ	30 ⒶⒷⒸⒹⒺ
4 ⒶⒷⒸⒹⒺ	13 ⒶⒷⒸⒹⒺ	22 ⒶⒷⒸⒹⒺ	31 ⒶⒷⒸⒹⒺ
5 ⒶⒷⒸⒹⒺ	14 ⒶⒷⒸⒹⒺ	23 ⒶⒷⒸⒹⒺ	32 ⒶⒷⒸⒹⒺ
6 ⒶⒷⒸⒹⒺ	15 ⒶⒷⒸⒹⒺ	24 ⒶⒷⒸⒹⒺ	33 ⒶⒷⒸⒹⒺ
7 ⒶⒷⒸⒹⒺ	16 ⒶⒷⒸⒹⒺ	25 ⒶⒷⒸⒹⒺ	34 ⒶⒷⒸⒹⒺ
8 ⒶⒷⒸⒹⒺ	17 ⒶⒷⒸⒹⒺ	26 ⒶⒷⒸⒹⒺ	35 ⒶⒷⒸⒹⒺ
9 ⒶⒷⒸⒹⒺ	18 ⒶⒷⒸⒹⒺ	27 ⒶⒷⒸⒹⒺ	36 ⒶⒷⒸⒹⒺ

ХИМИЯ

1

1. Сизга пентиннинг нечта изомери маълум?

А) 5 В) 4 С) 1 D) 2 Е) 3

2. Уч фторпропенга водород бромидни бирикиш реакцияси қандай боради?

А) *Зайцев қоидаси бўйича*
В) *Марковников қоидаси бўйича*
С) *Марковников қоидаси бўйича, яъни электронларнинг π-боғланиши -CH_2 гуруҳига силжийди*
D) *Марковников қоидасига қарши яъни, учфторметил гуруҳи таъсирида π-боғланиш электронлари -CH гуруҳига силжийди*
Е) *Марковников қоидаси бўйича, яъни учфторметил гуруҳи таъсирида π-боғланиш электронлари -CH_2 гуруҳига силжийди*

3. Метанол ва этанол аралашмасига концентрланган сульфат кислота таъсир этдирилса қайси эфир ҳосил бўлади ?
1. CH_3-O-CH_3 2. CH_3-O-C_2H_5
3. C_2H_5-O-C_2H_5 4. CH_3COO-C_2H_5

А) 4 В) 3 С) 1 D) 2
Е) *1, 2, 3*

4. Глюкозанинг бижғиш маҳсулотлари орасида қуйидагиларнинг қайси бири бўлиши мумкин?

А) *сирка альдегид*
В) *сут кислота*
С) *диэтил эфир*
D) *сирка кислота*
Е) *метанол*

5. Ёғларни гидролизи натижасида қандай кислота ҳосил бўлади?
1. сирка; 2. стеарин;
3. ёғ; 4. олеин; 5. пропион.

А) *2,3* В) *1,2* С) *3,5*
D) *2,4* Е) *3,4*

6. Қайси модда бензой кислота ҳосиласи ҳисобланади?

1. 
2. 
3. 
4. 

А) *2,3* В) *1,4* С) *1,3*
D) *1,2* Е) *3,4*

7. Кристалл панжаралари металл бўлган модданинг хоссалари.

А) *қаттиқ, иссиқлик ўтказувчан, суюқланиш ҳарорати паст*
В) *қаттиқ, мўрт, юқори суюқланувчан*
С) *кристалл, сувда эрувчан*
D) *қаттиқ, иссиқлик ва электр ўтказувчан, суюқланиш ҳарорати юқори*
Е) *қаттиқ, юқори ҳароратда суюқланувчи, органик эритувчиларда эрувчи*

8. Қуйидаги реакциялардан қайси бири ўрин олиш реакциясига мисол бўла олади?

А) $Na_2O + H_2O \rightarrow ...$
В) $LiOH + CO_2 \rightarrow ...$
С) $C + O_2 \rightarrow ...$
D) $Na + HOH \rightarrow ...$
Е) $CuSO_4 + KOH \rightarrow ...$

2

9. Температура коэффициентни 3га тенг бўлган реакция температураси 10°С дан 70°С гача ўзгарса реакция тезлиги неча марта ортади ?

А) *729* В) *560* С) *764*
D) *802* Е) *886*

10. Химиявий реакциянинг мувозанат доимийсига катализатор кандай таъсир қилади?

$$N_2 + 3H_2 \xrightleftharpoons{кат} 2NH_3$$

А) *тескари реакциянинг тезлигини камайтиради*
В) *тескари реакциянинг тезлигини оширади*
С) *тўғри реакциянинг тезлигини камайтиради*
D) *мувозанатнинг силжишига таъсир қилмайди*
Е) *тўғри реакциянинг тезлигини оширади*

11. 6 моль темир қуюндисини [темир (II) ва (III) - оксид] алюминотермия усулида қайтариб неча моль темир олиш мумкин?

А) *6 моль* В) *3 моль*
С) *9 моль* D) *18 моль*
Е) *15 моль*

12. Қуйидаги гуруҳларнинг қайси биридаги иккала металл мис сульфатдан мисни чиқара олади ?

А) *Hg, Zn* В) *Hg, Fe*
С) *Zn, Mg* D) *Ag, Fe*
Е) *Ag, Mg*

13. Озоннинг хлорга нисбатан зичлиги нечага тенг?

А) *0,72* В) *0,80* С) *0,74*
D) *0,68* Е) *0,76*

14. Бир хил шароитда олинган олтингугурт(IV) оксиди ва неоннинг ҳажмлари 286 л дан иборат. Берилган ҳажмда биринчи газнинг атомлар сони иккинчи газнинг атомлар сонидан неча марта катта?

А) *1,5 марта* В) *3 марта*
С) *2 марта* D) *5 марта*
Е) *бир хил*

15. Модда массасининг сақланиш қонунини қайси олимлар кашф этган?
1. М.В.Ломоносов;
2. А.Л.Лавуазье;
3. Д.Дальтон;
4. Ж.Пруст.

А) *2* В) *1* С) *3*
D) *3,4* Е) *1,2*

16. Массалари тенг бўлган қуйидаги моддаларнинг қайси бирида модда миқдори (молларда) кўпроқ бўлади ?

А) KNO_3 В) K_3PO_4
С) $KClO_4$ D) $NaCl$
Е) K_2SO_4

17. Элемент атомининг электрон конфигурацияси қуйидагича бўлса:

$$1s^2 2s^2 2p^6 3s^2 3p^6 3d^3 4s^2$$

Шу атомнинг электрон қобиғидаги тугалланган энергетик поғоналар сони ва бўлиши мумкин бўлган энг юқори оксидланиш даражасини кўрсатинг. Жавоблар бутун сонларда ва қўйилган саволларнинг кетма-кетлиги тартибида берилган.

А) *3, 2* В) *2, 3* С) *3, 5*
D) *2, 2* Е) *2, 5*

3

18. Д.И.Менделеев химиявий элементлар даврий системасини тузишда элементнинг қайси белгисини асос қилиб олган?

А) *элементнинг табиатда тарқалишини*
В) *суюқланиш температурасини*
С) *кристалл панжарасининг тузилишини*
D) *атом массасини*
Е) *зичлигини*

19. $^{253}_{99}Es$ элементи α-заррачалар (гелий атомлари ядролари) билан нурлаштирилганда нейрон чиқса қандай элемент олинади?

А) $^{257}_{100}Fm$ В) $^{251}_{98}Cf$ С) $^{256}_{101}Md$
D) $^{255}_{102}No$ Е) $^{256}_{103}Lr$

20. Элементнинг даврий системадаги ўрни нимани билдиради?
1. Атом ядросининг зарядини.
2. Атомдаги электронлар сонини.
3. Атомдаги нейтронлар сонини.

А) *3* В) *2* С) *1*
D) *1,2* Е) *1,3*

21. Аммоний сульфатда азотнинг валентлиги нечага тенг ?

А) 4 В) 1 С) 5 D) 2 Е) 3

22. Лантан қандай элемент?

А) *d-элемент* В) *p-элемент*
С) *s-элемент* D) *f-элемент*
Е) *нодир металл*

23. Қуйидаги моддалар формулаларидан қайси бирида боғларнинг сони 10 га тенг ?

А) P_2O_5 В) K_2SO_4
С) K_3PO_4 D) K_2CrO_4
Е) $K_2Cr_2O_7$

24. Олмоснинг қаттиқ ва қийин суюқланадиган модда бўлишига сабаб нима?

А) *кристалл панжараси молекуляр тузилишига эга*
В) *кристалл панжараси металл тузилишига эга*
С) *кристалл панжараси атомли тузилишига эга*
D) *кристалл панжараси ионли тузилишига эга*
Е) *кристалл панжараси ҳам атомли, ҳам металл тузилишига эга*

25. Қуйидагиларнинг қайси бири амфотер хоссаги эга ?

А) $B(OH)_3$ В) Li_2O
С) ZnO D) MgO
Е) Cu_2O

26. Азот табиатда қайси бирикма кўринишида учрайди?

А) Mg_3N_2 В) $NaNO_2$ С) NH_4Cl
D) KNO_3 Е) NH_3

27. Углерод (IV) оксиди молекуласидаги углерод атомида қандай гибридланиш содир бўлади ?

А) sp В) sp^3
С) sp^2d D) spd^2
Е) sp^2

28. 12,8 грамм миснинг устига мўл миқдорда концентрланган H_2SO_4 солиб қиздирилган. Ажралиб чиққан газнинг ҳажмини (н.ш. да) топинг:

А) *4,48 л* В) *1,12 л*
С) *44,8 л* D) *22,4 л*
Е) *11,2 л*

4

29. C_4H_6 таркибли очиқ углерод занжирли углеводороднинг сони нечта?

А) 4 В) 3 С) 5 D) 1 Е) 2

30. Бензол молекуласида нечта σ- ва π- боғлар бор?

А) *6;6* В) *3;6* С) *3;3*
D) *12;12* Е) *12;3*

31. Натрий сульфат ва магний сульфат аралашмасини эритиш орқали олинган 1 л эритмада Mg^{2+} ионларнинг миқдори 1 моль Na^+ ионларнинг миқдори эса 2 моль экани маълум бўлса, SO_4^{2-} ионларнинг миқдори нимага тенг?

А) *3 моль* В) *1,5 моль*
С) *2 моль* D) *2,5 моль*
Е) *1 моль*

32. Қуйидаги гидроксидларнинг қайси бири амфотер коссага эга ?

А) $Mg(OH)_2$ В) $Sr(OH)_2$
С) $RbOH$ D) $Al(OH)_3$
Е) $Fe(OH)_2$

33. Ички молекуляр оксидланиш-қайтарилиш реакцияси типига киручи реакция тенгламасини аниқланг:

А) $2Pb(NO_3)_2 = 2PbO + 4NO_2 + O_2$
В) $H_2S + 8HNO_3 = H_2SO_4 + 8NO_2 + 4H_2O$
С) $2H_2S + H_2SO_3 = 3S + 3H_2O$
D) $NH_4NO_2 = N_2 + 2H_2O$
Е) $3HNO_2 = HNO_3 + 2NO + H_2O$

34. Қуйидаги реакцияда қатнашувчи моддалар ва маҳсулотлар коэффициентларининг йиғиндисини топинг?

$$KMnO_4 + HCl \rightarrow KCl + MnCl_2 + Cl_2 + H_2O$$

А) *26* В) *28* С) *32*
D) *35* Е) *38*

35. Қуйидаги моддалар гуруҳида туз ҳосил бўладиган ҳолатни топинг?

А) $Al(OH)_3$, $NaOH$
В) $ZnCO_3$, KCl
С) $CuCl_2$; $MgCl_2$
D) Na_2CO_3, $BaSO_4$
Е) $MgCl_2$, $CaSO_4$

36. Тузларнинг гидролизланиш тенгламасига асосланиб қуйидаги қайси туз эритмасида ишқорий муҳит ҳосил бўлишини айтинг.

А) $FeCl_2$ В) KCl С) $CuSO_4$
D) K_2SO_3 Е) $Zn(NO_3)_2$

БИОЛОГИЯ

1. Ҳужайраларнинг митоз йўли билан бўлиниши жараёнида ДНК синтези қайси фазага тўғри келади?
А) интерфаза
В) профаза
С) метафаза
Д) анафаза
Е) телофаза

2. «Партеногенез» ҳодисаси нима?
А) хромосомалар сонининг икки марта камайиши ҳодисаси;
В) қўш уруғланиш;
С) уруғланмаган тухумдан организмнинг ривожланиши;
Д) уруғланган тухумдан организмнинг ривожланиши;
Е) хромосомалар сонининг икки марта ортиши ҳодисаси.

3. Қуйида кўрсатилганлардан аллель бўлмаган генларни аниқланг.
А) яшил ва силлиқ ген
В) паст ва баланд бўй гени
С) оқ ва қизил ген
Д) сариқ ва яшил ген
Е) силлиқ ва буришган белги гени

4. Қандай жараён ёрдамида ўсимликларда соматик мутация асосида янги организм ҳосил қилиш мумкин?
А) амитоз;
В) вегетатив кўпайиш;
С) жинсий кўпайиш;
Д) ҳеч қайси жараён бундай организмни ҳосил қилишга имкон бермайди;
Е) митоз.

5. Гемофилия касаллиги рецессив белги бўлиб, унинг гени Х хромосома билан бириккан ҳолда наслдан-наслга ўтади. Агар гемофилик эркак шу касаллик бўйича соғ аёл билан турмуш қурса, болаларида бу касаллик қандай такрорланади?
А) ҳамма боласи соғ-саломат, касалланмайди;
В) ўғил боласи гемофилияли, қизлари шу касалликни ташувчи;
С) ўғил болалари соғ-саломат, қизлари гемофилия билан касалланади;
Д) ўғил болалари гемофилия билан касалланади, қизлари соғ-саломат;
Е) ҳамма боласи гемофилия касаллиги билан касалланади;

6. Буғдой, жавдар, дуккакли экинлар, ток ва мевали ўсимликларнинг маркази?
А) марказий Америка
В) Ўрта Денгиз
С) Жанубий Гарбий Осиё
Д) Жанубий Осиё
Е) Эфиопия (Ҳабашистон).

7. Қуйидаги ҳайвонларнинг қайси бири қазилма оралиқ формалар ҳисобланади?
А) тиранозаврлар;
В) бронтозаврлар;
С) йиртқич тишли рептилиялар;
Д) коалалар;
Е) ўрдакбурун ва ехидналар.

8. Кўпгина ҳайвон ва ўсимликларнинг жанубга томон тарқалишини чекловчи омил қайси?
А) Ҳаддан ташқари иссиқ бўлиши.
В) Озиқнинг етишмаслиги.
С) Хаддан ташқари иссиқ ва озиқнинг етишмаслиги.
Д) Нам ва озиқнинг етишмаслиги.
Е) Ёруғликнинг кам бўлиши.

9. Популяциялардаги индивидлар сонининг гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб туриши қандай номланади?
А) табиий танланиш
В) яшаш учун кураш
С) мимикрия
Д) микроэволюция
Е) ҳаёт тўлқинлари

10. Ер юзасига тушаётган қуёш энергияси қандай тақсимланади?
А) 70% энергияни коинотга қайтаради, 30% ни ютади.
В) Қуёш 42% энергиясини Ер коинотга қайтаради, 58% и атмосфера ва тупроққа ютилади;
С) 50% энергияни Ер коинотга қайтаради, 50% и атмосфера ва тупроққа ютилади;
Д) 58% энергияни Ер коинотга қайтаради 42% атмосфера ва тупроққа ютилади;
Е) 30% энергияни коинотга қайтаради, 70% ни ютади.

11. Хромосомалар сонининг камайиши билан боғлиқ ҳужайра бўлиниши қандай номланади?
А) кариокинез
В) митоз
С) мейоз
Д) оддий бўлиниш
Е) амитоз

12. ДНК ҳужайранинг қаерларида бўлади?
А) ҳужайра ядросида, митохондрияларда, хлоропластларда;
В) рибосомаларда, митохондрияларда, ҳужайра марказида;
С) ядрода, Гольжи аппаратида, хлоропластларда;
Д) ядрода, рибосомаларда, Гольжи аппаратида;
Е) ядрода, эндоплазматик тўрда, митохондрияларда.

13. Терининг қайси қисмида терига ранг берувчи пигментлар жойланади?
А) шох тангачалар таркибида
В) эпителийнинг сиртқи қисмида
С) чин тери бириктирувчи тўқималарда
Д) эпидермиснинг ичкаридаги тирик ҳужайраларида
Е) рецептор, тери ва ёғ тирик ҳужайраларида

14. Юрак фаолиятига нерв системасининг симпатик бўлимлари қандай таъсир кўрсатади?
А) сусайтиради ва тезлаштиради
В) кучайтиради ва секинлаштиради
С) кучайтиради ва тезлаштиради
Д) тезлаштиради ва секинлаштиради
Е) сусайтиради ва секинлаштиради.

15. Орқа миянинг асосий функциялари нималардан иборат?
А) рефлектор ва жавоб берувчи функция
В) ҳаракат ва координация
С) шартли ва шартсиз рефлексларни амалга ошириш
Д) рефлектор ва ўтказувчи функция
Е) рефлектор ва қабул қилувчи функция.

16. Эшитиш найчаси қулоқнинг қайси қисмида жойлашган?
А) ташқи эшитиш йўлида
В) ноғора парданинг орқасида
С) ўрта қулоқ ва илон изи каналчалари оралиғида
Д) ички қулоқда
Е) ярим доира каналларида.

17. Қуйидаги қаторларнинг қайси бирида эволюция бир бири билан боғлиқ учта натижага олиб келади. Тўғри ва тўлиқ жавобни кўрсатинг?
А) ароморфоз, идиоадаптация, умумий дегенерация
В) табиий танланиш, сунъий танлаш, яшаш шароитига мосланиш
С) тур ичида кураш, турлараро кураш, табиатнинг ноқулай шароитига қарши кураш
Д) тирик мавжудотлар тузилишининг мураккаблана бориши, организмларнинг ташқи муҳит шароитига нисбий мосланиши, турларнинг хилма-хил бўлиши
Е) яшаш учун кураш, табиий танланиш, ирсий ўзгарувчанлик.

18. Тузилишнинг юқори даражага кўтарилишга олиб келадиган эволюцион ўзгаришлар қандай номланади?
А) ароморфоз
В) дегенерация
С) регресс
Д) хусусий мосланиш
Е) идиоадаптация

19. Нима сабабдан калтакесак ёзда 4—5 марта тўлайди?
А) Душманларидан ўзини ҳимоя қилиши учун.
В) Танасининг мугуз қоплами, унинг ўсишига йўл қўймагани учун.
С) Ҳар хил ноқулай шароитга мосланиши учун.
Д) Тез ҳаракат қилганидан, териси тез тўкилиб туради.
Е) Ёзги иссиқ ҳарорат кучли таъсир қилгани учун.

20. Мушуксимонлар оиласига кирувчи ҳайвонларнинг тирноқлари нима учун ҳамма вақт ўткир бўлади?
А) тирноқларини улар доимо чархлаб тургани учун;
В) тирноқлари юрганда алоҳида халтачаларга тортилиб тургани учун;
С) эски тирноқлари тушиб кетиб доимо янгилари ўсиб чиқиб турғани учун;
Д) ҳар галги овдан кейин янги тирноқлари ўсиб чиққани учун;
Е) тирноқлари ҳар доим янгидан ўсиб тургани учун.

21. Суяк ҳужайраларининг озиқланиши ва нафас олиши нимани ҳисобига амалга ошади?
А) суякнинг қаттиқ моддаси ҳисобига
В) суяк усти ҳисобига
С) суяк ҳужайралари ҳисобига
Д) суякнинг ғовак массаси ҳисобига
Е) ҳужайраларо суюқлик ҳисобига.

22. Одамнинг қон ҳужайралари орасида, қайси бирида ядроси бўлмайди?
А) лейкопенияларда
В) лейкоцитларда
С) тромбоцитларда
Д) эритроцитларда
Е) нейрофилларда

23. Юрак автоматияси...
А) онг иштирокисиз юрак мускулининг бўшашиши;
В) соматик нерв системаси иштирокида юрак мускулининг бир маромда қисқариши ва бўшашиши;
С) онг иштирокисиз юракнинг бир маромда қисқариши ва бўшашиши;
Д) юракнинг онг ва соматик нерв системаси иштирокида бир маромда қисқариши ва бўшашиши;
Е) онг иштирокисиз юракнинг қисқариши.

24. Овқатни жуда тез ейдиган одам нега бўкиб қолиши мумкин?
А) ошқозон овқатга тўлганлиги ҳақидаги сигнали бош мияга жуда тез боргани учун
В) ошқозон овқатга тўлгандан кейин, ошқозон шираси кам ажралгани учун
С) ошқозон овқатга тўлгандан кейин, ошқозон шираси жуда кўп ажралгани учун
Д) ошқозон овқатга тўлганлиги ҳақидаги маълумотни бош мияга тахминан 20 минут кечикиб боргани ва овқат ҳазм қилиш шираси ҳаддан ташқари кўп овқатни парчалай олмагани учун
Е) ошқозон овқатга тўлганлиги ҳақидаги сигнали бош мияга тахминан 30 минут кечикиб боргани учун

25. Илдиз устки қисми қандай тўқима ҳужайраларидан тузилган?
А) ўтказувчи тўқима
В) ҳосил қилувчи тўқима
С) қопловчи тўқима
Д) асосий тўқима
Е) механик тўқима

26. Поянинг қайси қисмида тўрсимон найчалар бўлади?
А) Луб толалари орасида
В) Камбий қаватида
С) Пўкак қисмида
Д) Ясмиқчаларида
Е) Ёғоч қисмида

27. Муртак халтачасининг уруғланган марказий ҳужайрасида нима ривожланади?
А) бошланғич куртак
В) уруғ муртаги
С) уруғ пўсти
Д) мева
Е) эндосперм

28. Қайси ўсимлик раъногулдошлар оиласига мансуб?
А) шувоқ
В) шаббўй
С) гулибахмал
Д) ғозпанжа
Е) бўритароқ

29. Қуйидаги ўсимлик гулларининг тузилиш формуласи $К_{(5)}$ $Т_{(5)}$ $Ч_x$ У1 бўлса, қайси оилага мансуб бўлади?
А) Дуккакдошлар
В) Ғалладошлар
С) Бутгулдошлар
Д) Раъногулдошлар
Е) Томатдошлар

30. Қуйидагиларнинг қайсилари очиқ уруғли ўсимликларга мансуб?
А) туя, қарағай, тоғолча;
В) арча, акация, тилоғоч;
С) қорақарағай, терак, тилоғоч;
Д) арча, тилоғоч, қарағай;
Е) арча, қарағай, тоғолча.

31. Хемосинтезловчи бактерияларга қуйидаги бактерияларнинг қайсилари киради?
А) Азот, фосфор, мой кислотаси бактериялари
В) Сирка кислотаси, темир ва азот бактериялари
С) Мой кислотаси, олтингугурт ва темир бактериялари
Д) Темир, олтингугурт ва азот бактериялари
Е) Сирка кислотаси, мой кислотаси, сут бактериялари

32. Ёғуғликни сезадиган содда ҳайвоннинг номи нима?
А) инфузория-туфелька;
В) фораминифера;
С) радиолярия;
Д) яшил эвглена;
Е) оддий амеба.

33. Жигар қуртининг томоғидан ўтган озиқа ҳазм қилиш системанинг қайси бўлимига ўтади?
А) чиқарув тешиги орқали ташқарига
В) ошқозонга
С) ингичка ичакка
Д) учи берк тармоқланган кўричакка
Е) йўғон ичакка

34. Дарё қисқичбақасининг мувозанат ва эшитиш органлари тананинг қайси қисмида жойлашган?
А) қорин қисмида
В) узун мўйловлари асосида
С) калта мўйловлари асосида
Д) кўкрак қисмида
Е) узун мўйловлари учида

35. Ҳашаротларда айириш органи вазифасини нима бажаради?
А) буйрак
В) иккита яшил без
С) мальпиги найчалари
Д) мальпиги найчалари, ёғ таначалари
Е) воронкасимон найчалар

36. Дарё окунининг сузгич пуфаги қайси органлар билан боғлиқ бўлади?
А) Ингичка найча ёрдамида ичак билан боғлиқ.
В) Ингичка найча ёрдамида нафас олиш органлари билан боғлиқ.
С) Ингичка найча ёрдамида суяклар билан боғлиқ.
Д) Ҳеч қайси органлар билан боғлиқ эмас, фақат уни ўраб олган қон капиллярлари билан боғлиқ бўлади.
Е) Ингичка найча ёрдамида ташқи муҳит билан боғлиқ.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

1. Битишув йўли билан бириккан сўз бирикмаларида эргаш сўзни кўрсатувчи асосий белгилар қайсилар?
А) Кўмакчилардан олдин келган сўз эргаш сўз.
В) Олдин келган сўз эргаш сўз.
С) Келишик қўшимчасини олган сўз эргаш сўз.
Д) Грамматик воситаларни олган сўз эргаш сўз.
Е) А ва С жавоблардаги белгилар эргаш сўзни кўрсатувчи белгилар ҳисобланади.

2. Берилган мисол бир бош бўлакли гапнинг қайси турига мансуб?
Ҳалол одамни бадном қилиб бўлмайди.
А) Шахси маълум гап
В) Шахси умумлашган гап
С) Шахси номаълум гап
Д) Шахси топилмас гап
Е) Атов гап.

3. Ер кўкармай, мол тўймас.
Ушбу мақол эргаш гапли қўшма гапнинг қайси турига мансуб?
А) Кесим эргаш гапли қўшма гап.
В) Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап.
С) Шарт эргаш гапли қўшма гап.
Д) Натижа эргаш гапли қўшма гап.
Е) Сабаб эргаш гапли қўшма гап.

4. Аралаш турдаги қўшма гап берилган жавобни белгиланг?
А) Дарахтлар кўкарса, майсалар яшнаса, бу ерлар яна ҳам чиройли бўлади.
В) Қуёш қоқ тиккага келгач, ҳаво шундай исийдики, киши чидаб тура олмайди.
С) Унинг лаблари қимирларди, бироқ сўзлари эшитилмаганлиги сабабли, унга ҳеч ким эътибор бермас эди.
Д) Кишининг ёлғончилиги машҳур бўлиб қолгач, у ҳар қанча чин гапирса ҳам, кишилар ишонмайдиган бўлиб қолади.
Е) Даладаги пахталар териб олиниб, пахта топшириш режаси тўла бажарилгач, туманимизда катта тантана бўлди.

5. Гапнинг эгаси ёки кесими ёхуд уларнинг ҳар иккаласи ҳаракат номи билан ифодаланса, эгадан кейин қандай тиниш белгиси қўйилади?
А) нуқтали вергул қўйилади
В) ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди
С) икки нуқта қўйилади
Д) вергул қўйилади
Е) тире қўйилади

6. Жавоблардаги хусусиятлардан қайси бири илмий услубга хос эмас?
А) Матнда диалоглар бўлмайди.
В) Тилнинг тасвирий-таъсирий воситалари ишлатилмайди.
С) Ундалмали гаплар, тўлиқсиз гаплар, ҳис-ҳаяжонли гаплар деярли қўлланмайди.
Д) Қўшма гаплар, қўшма гапларнинг ҳар хил турлари деярли қўлланмайди.
Е) Бу услубда махсус атамалар, шартли белгилар қўлланади.

7. Сўзларнинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар қандай луғатларда берилади?
А) орфоэпик луғатларда
В) таржима луғатларида
С) этимологик луғатларда
Д) имло луғатларида
Е) атамалар луғатида

8. Қандай сўзлар олинма сўзлар дейилади?
А) Ўзбек тилининг шеваларидан олинган сўзлар.
В) Ўзбек тилидан бошқа тилларга ўтган сўзлар.
С) Сўз ясаш орқали ҳосил қилинган янги сўзлар.
Д) Сўзлашув услубидан адабий тилга олинган сўзлар.
Е) Бошқа тиллардан ўтган сўзлар.

9. Қайси қатордаги сўзлар морфема (маъноли қисм)ларга ажратилади?
А) Қаттиқ, суюқ
В) Тилак, англа
С) Бугун, эрта
Д) Тутун, индин
Е) Бирор, безор

10 Қайси қатордаги атама (термин)лар от, сифат, феъл туркумларининг ҳар учаласида қўлланилади?
А) келишик, замон
В) туб, ясама
С) даража, миқдор
Д) нисбат, эгалик
Е) ҳар учала сўз туркумида қўлланувчи атамалар берилмаган

11. Тушум келишигидаги от қайси сўз туркуми билан боғланади.
А) от, сифат ва сон билан
В) фақат феъл билан
С) фақат от билан
Д) фақат олмош билан
Е) барча мустақил сўз туркумлари билан

12. Ўзбек тилида фақат кўмакчи феъл вазифасида келадиган феълларни белгиланг.
А) ёз, ёт
В) тур, юр
С) кел, кет
Д) ташла, бошла
Е) Ўзбек тилида фақат кўмакчи феъл бўлиб келадиган феъллар йўқ.

13. «Жиноят» драмасини ким ёзган?
А) Ҳ. Олимжон
В) Уйғун
С) Ойбек
Д) К. Яшин
Е) Фитрат

14. Ўзбек адабиётида нома жанрига асос солган шоирнинг номини топинг.
А) Сайфи Саройи
В) Хоразмий
С) Лутфий
Д) Атойи
Е) Аҳмад Яссавий

15. Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ» асари:
А) Саъдий Шерозий «Гулистон»ининг таржимаси.
В) Ахлоқ-одоб руҳидаги ҳикоятлардан таркиб топган асар.
С) Яхши ва ёмон хулқлар ҳақидаги мақолатлардан тузилган панднома.
Д) Маърифатпарварлик руҳидаги шеър ва ҳикоятлардан ташкил топган тўплам.
Е) Ахлоқий ҳикоятлар мажмуи.

16. Қофиядан кейин такрорланиб келадиган бир ёки бир неча сўз нима деб аталади?
А) Радиф
В) Мақтаъ
С) Шоҳбайт
Д) Фасл
Е) Матлаъ

17. Ҳар бир байтда бир халқ мақолини келтириб, ўз фикрини асослаш санъати нима деб аталади?
А) Муболаға
В) Истиора
С) Тазод
Д) Ирсоли масал
Е) Ташбеҳ

18. Истиора санъати нимага асосланади?
А) Белги-хусусиятни бўрттириб тасвирлашга.
В) Ўзаро ўхшашликка асосланиб, сўзларни кўчма маънода қўллашга.
С) Фикрни мақол-маталлар ёрдамида далиллашга.
Д) Одамга хос хусусиятларни жониворлар ва жонсиз предметларга кўчиришга.
Е) Бир предмет-ҳодисани бошқасига ўхшатишга.

19. Қайси қатордаги жуфт сифатларнинг ёзилиши хато?
А) қуюқ-суюқ овқатлар
В) яккаю ягона фарзанд
С) ширин-шакар мевалар
Д) яхши-ёмон гап
Е) каттаю-кичик булоқлар

20. Қуйидаги хусусиятларнинг қайси бири отлашган сифатларга хос эмас?
А) Отга хос ясовчи қўшимчаларни қабул қилади.
В) Гапда отга хос синтактик вазифаларни бажара олади.
С) Отга хос келишик қўшимчаларни қабул қилади.
Д) отга хос кўплик қўшимчасини қабул қилади.
Е) Отга хос эгалик қўшимчасини қабул қилади.

21. Қайси қаторда қўшма гап берилган?
А) Тарам-тарам олмаларни, асл нашватиларни, пўсти юпқа луччак шафтолиларни айтмайсизми.
В) Тунов куни, йигитлар даштга кетаётганларида, Гулчеҳра уни уйларига бошлаб борди.
С) У суҳбатни на тинглади, на ёзди.
Д) Ўлмас на домладан, на унинг хотинларидан ширин сўз эшитар эди.
Е) ундан на хат бор, на хабар.

22. Қуйидаги гапда қандай гап бўлаклари мавжуд?
Оғзи бўшга ишониб бўлмайди.
А) эга, тўлдирувчи, кесим
В) аниқловчи, эга, кесим
С) эга, кесим
Д) тўлдирувчи, кесим
Е) тўлдирувчи, аниқловчи, эга, кесим

23. Отларнинг отхонага олиб ўтилмагани Зиёдиллани таажжублантирди.
Ушбу гапдаги эга қайси жавобда тўғри берилган?
А) Зиёдиллани
В) Ушбу гапда эга қўлланмаган.
С) отларнинг отхонага олиб ўтилмагани
Д) олиб ўтилмагани
Е) отхонага олиб ўтилмагани

24. Қайси хусусият тенг боғланишга хос эмас?
А) Тенг боғланишда сўз қўшилмасидаги бир сўз бошқасига тобе бўлмайди.
В) Сўзлар бир-бири билан санаш оҳанги ёрдамида боғланиши мумкин.
С) Сўзлар бир-бири билан тенг боғловчилар воситасида боғланиши мумкин.
Д) Сўзлар бир-бири билан кўмакчилар ёрдамида боғланиши мумкин.
Е) С ва Д жавобларда кўрсатилган хусусиятлар тенг боғланишга хос эмас.

25. Қайси қатордаги сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда товуш тушиши юз беради?
А) сочиқ, курак
В) чойнак, томоқ
С) сон, онг
Д) ютуқ, билак
Е) шаҳар, бурун

26. е, ё, ю, я ҳарфлари қайси ўринларда икки товушни билдиради?
А) сўз бошида келганда
В) бўғин бошида, айириш ва юмшатиш белгисидан сўнг келганда
С) барча ўринларда икки товушни билдиради
Д) А ва В жавобларда кўрсатилган ўринларда
Е) фақат рус тилидан ўзлашган сўзлар таркибида

27. Қайси хусусият бўғинга хос эмас?
А) Бўғин унли билан тугаса очиқ бўғин ҳисобланади.
В) Ҳар бўғинда камида бир ундош бўлади.
С) Ҳар бўғинда бир унли бўлиши шарт.
Д) Бўғин биргина унлидан иборат бўлиши мумкин.
Е) Бўғин ундош билан тугаса ёпиқ бўғин ҳисобланади.

28. Қайси хусусият нутқ маданияти билан боғлиқ эмас?
А) луғавий меъёрларга риоя қилиш
В) грамматик меъёрларни ва қоидаларни яхши билиш
С) услубий меъёрларга риоя қилиш
Д) оғзаки нутқда талаффуз, ёзма нутқда эса имло қоидаларига риоя қилиш
Е) жавобларда кўрсатилган барча хусусиятлар нутқ маданияти билан боғлиқ

29. Синонимик қатордаги асосий (бош) сўз бошқа сўлардан қайси хусусиятлари билан ажралиб туради?
А) турли қўшимча белги-хусусиятларга нисбатан бетарафлиги билан
В) шу қатордаги бошқа сўзларга нисбатан кўпроқ ишлатилиши билан
С) ҳозирги адабий тилга мансублиги билан
Д) барча услубларда қўллана олиниши билан
Е) А, В, С, Д жавоблардаги хусусиятлари билан

30. Давр ўтиши билан тилнинг қайси томонида кўпроқ ўзгариш бўлади?
А) қўшимчаларида
В) сўз маъноларида
С) луғат таркибида
Д) грамматикасида
Е) товушларида

31. «Алпомиш» достонидаги салбий образ қайси жавобда кўрсатилган?
А) Тойчахон
В) Қалдирғоч
С) Қоражон
Д) Бойсари
Е) Барчин

32. «Алибобо ва қирқ қароқчи» эртаги қайси эртаклар туркумига мансуб?
А) «Минг бир кеча»
В) «Калила ва Димна»
С) «Рим эртаклари»
Д) Ўзбек халқ эртаклари
Е) Ҳинд халқ эртаклари

33. Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асари қайси жанрга мансуб?
А) Тазкира
В) Муаммо
С) Девон
Д) Достон
Е) Қасида

34. Навоийнинг «Ҳайратул — аброр» достони қачон яратилган ва у неча мақолатдан таркиб топган?
А) 1483,34
В) 1483,20
С) 1484,20
Д) 1484,64
Е) 1483,64

35. «Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин,
Сўзки ҳақ бўлса саволимга жавобин ким десун?»
сатрларининг муаллифи ким?
А) Завқий
В) Фурқат
С) Муқимий
Д) Аваз Ўтар
Е) Анбар Отин

36. «Синчалак»да конфликтнинг қайси кўриниши кўпроқ намоён бўлган?
А) Характерлараро зиддият
В) Синфий зиддият
С) Сиёсий зиддият
Д) Давр ва қаҳрамон зиддияти
Е) Қаҳрамон руҳиятидаги зиддият

Хатолар сабоқ бўлсин

ЯНА БИР БОР ДИҚҚАТ ҚИЛИНГ!

1995 ЙИЛДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ТЕСТ ИМТИҲОНЛАРИ ЖАРАЁНИДА АЙРИМ АБИТУРИЕНТЛАР ВА ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ХАТОЛИКЛАР

- Аудитория раҳбарлари ҳамда кузатувчилар томонидан вариантлар ва блокдаги фанлар ўрни алмаштирилган.
- Тест топшириладиган чет тилининг белгиси белгиланмаган.
- Норматив ҳужжатлар тўғри тўлдирилмаган (титул вараги ва N 11, 12, 13, 14 шакллар).
- Ўқув муассасаси билан таалтўқли вазирликлар ва идораларнинг қабул қилиш режаси мос тушмаган.
- Ижодий имтиҳонлар натижаси тўғрисида нотўғри маълумот берилган.
- Тест ўтказишни бошлашдан олдин тартиб-қоидаларнинг бузилишига (аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар ўртасида қўрқа ташланмаган) йўл қўйилган.
- Мақсадли қабул бўйича ўқув юрти нотўғри белгиланган.
- Тест синовларига кечикиб келиш ҳоллари юз берган.
- Тест синовларига хужжат (паспорт, титул вараги, рухсатнома)сиз келинган.
- Титул вараги ва рухсатномани тўлдираётганда (номери кучирилмаган) хатога йўл қўй

Сиртқи дарс

24. СУЛТОН ҲУСАЙН ДАВРИ ҲУНАР ЭГАЛАРИ

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни Султон Ҳусайн саройи ҳунар аҳли фаолияти билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда аждодлар ҳунари ва санъатига меҳр уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Алишер Навоий ва Камолиддин Беҳзод шогирдларидан Шоҳмузаффар ва Маҳмуд Музаҳҳиб.
2. Қосимали ва Ҳожимуҳаммад наққош.
3. Дарвешмуҳаммад ва Султонмуҳаммад Нур...

Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида ўз қўлида бевосита тарбия топган юзга яқин олиму фозилни тилга олади. Шулардан баъзилари ҳақида яна маълумот келтирамиз.

Шоҳмузаффар (1481 — 1505). Мирза Ҳайдар «Таърихи Рашидий» асарида Султон Ҳусайн мирзо замони мусаввирлари ҳақида ёзар экан, «Устод Мансурнинг ўғлидир. Султон Абдусаид (1451 — 1469) замонида бундан беҳтари бўлмаган. Унинг мўйқалами борик (нозик) ва нозикликда тенги йўқ эди. 24 ёшида вафот этди. Умримиз муддатида саккиз мажлисни тамом қилди. Санъат устодлари уни ғоят ҳурмат қилишар эди» дейди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзади: «Яна Шоҳ Музаффар эди, тасвирни кўп нозук қилур эрди. Ташъир (соч)ни ҳудгузаро нозик қилур эди. Хейли умр топмади. Яна бир таснифи бор; ул таснифи тасаввуфтадир, ёмон эмас... Тараққий маҳалида — ўқ оламдин борди». «Таърихи Рашидий» ва «Бобурнома» асарларидаги мазкур қайдлар Шоҳмузаффарнинг тасвир ва ҳаттотлик соҳасидаги ўзига хос истеъдодга эга бўлганидан, ўз даврининг моҳир мусаввирларидан эканлигидан далолат беради.

Маҳмуд Музаҳҳиб (Шайхзода Маҳмуд) машҳур наққош ва мусаввир. Ҳусайн Бойқаро саройида ижод этган ва Камолиддин Беҳзод ва Оға Мирақдан таълим олган. Шайбонийхон 1507 йили Ҳиротни олгач, Маҳмуд Музаҳҳиб Бухорога кўчади. Унинг Ҳиротда яшаган чоғдаги асарлари бизгача етиб келмаган. XVI асрнинг 30 — 40-йилларида чеккан тасвирларидан ўттизга яқини кашф этилган. Маҳмуд Музаҳҳиб қаламига мансуб бўлган шоир ва буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг тасвири машҳурдир. Зайнуддин Восифийнинг ҳикоя қилишича, Беҳзод Алишер Навоий ҳаётлигида унинг тасвирини чизган. Аммо бу тасвир бизгача етиб келмаган. Восифий ёзади: «Машҳурдирки амири кабир Амир Алишернинг фирдавсойин, осмон зийнатли мажлисига мусаввир Беҳзод бир саҳифа келтирди. Сурати ҳол андоқ эрдиким, боғчайи ораста қилиб эрдиким, неча гунгун дарахтлар билан қопланган ва онинг шох сорида хушсуврат қушлар сурати тортилган ва ҳар тарафда ариқлар оқиб, гуллар очилган. Мир Алишернинг марғуб суврати андоқким, асога такя қилиб турган».

Бундан кўринадики, Беҳзод чизган тасвир Маҳмуд Музаҳҳибникига ўхшаб кетади. Шунинг учун Маҳмуд Музаҳҳиб Беҳзоднинг мазкур саҳифасидаги шоир Алишер Навоий тасвири — портретинигина кўчириб олган бўлиши мумкин. Тасвирга баъзи аниқликлар киритгани учун у тасвир остига ўз номини ёзиб қўйган. Мулоҳазаларимиз тўғри бўлса, Алишер Навоий чеҳраси аниқ тасвир этилган бўлиб чиқади. Чунки Маҳмуд Музаҳҳиб ҳам Беҳзод сингари улуғ шоир Алишер Навоий билан бирга бўлган.

Мазкур тасвир 1931 йилда Лондонда ташкил этилган Эрон санъати кўргазмасида намойиш этилган эди. Ҳозир Теҳронда Шаҳаншоҳ кутубхонасида сақланади. Алишер Навоий тасвирини кўздан кечирар эканмиз, у уста санъаткор томонидан чизилганига шубҳа қолмайди. Унда шоирнинг кексалик чоғлари тасвирланиб, чеҳраси анча маъноҳор чизилган. Ўл зотнинг кўзлари жонлидек, кимнидир эътибор билан тинглаётгандек. Сурат тепасида «Сурати амири кабир Амир Алишер» деган ёзув бор. Маҳмуд Музаҳҳибнинг Беҳзод услубига яқин бошқа асарлари ҳам мавжуд. Маҳмуд Музаҳҳиб тахминан 1565 — 1570 йилларда Бухорода вафот этади. Муаррихлар унинг Абдулла Хуросоний деган шогирди бўлганини ёзадилар. Маҳмуд Музаҳҳиб асарларини биз Абдураҳмон Жомийнинг 1499 йилда кўчирилган «Туҳфатул-аҳрор» достони нусхасида ҳам учратамиз. (Париж кутубхонасида сақланади). У яна Низомий Ганжавийнинг ҳозир Британия музейида сақланаётган «Хамса» асарини ҳам тасвирлар билан безаган.

Қосимали Чеҳракушо. Беҳзоднинг шогирди, моҳир мусаввир ва хаттот. Ҳирот Эрон шоҳи Исмойил Сафавий (1502 — 1512) томонидан 1510 йили босиб олингач, у Сейистон вилоятига кетиб, мударрислик қила бошлайди. 1522 йилда Камолиддин Беҳзод Табриздаги шоҳ кутубхонасининг китобдори этиб тайинланганидан кейин Қосим Али ҳам унинг ёнига кўчиб боради. Хондамир ёзади: «Ул жаноб фузало умдаси ва уламо жумласи ўлдигидан зоти карам ва саховат била тамом имтиёзлик эрди. Ёшлиги айёмида ўта олий ҳимматин илму дониш касбига масруф этиб, олтинни ҳал қилмоқ ва заркашлиг сифати ва қуввати била сарафрозлиг қўл берди. Зўҳду иршод сифати билан ҳаж ул — ислом ўткармоқ ва исломнинг муқаддас равзаси Макка тавофи лавозимин биткармакка фоиз бўлуб, яхши амал ғайрин этмайдур эрди. Нафасининг солимлиги камолидан андеша қалами била ҳайрихоҳликдин ўзга ним нақшин ориг кўнглининг сўрови мўъжибинча ўзининг маълуф (ўрганган) ватани Ҳиротдан сафар қилиб, Сейистон жонибига таважжуҳ кўргузди. То бу вақттача (1523 — 1524 йиллар) ул вилоятда авқот кечирур, эъзозу икром камоли била мударрислиг маснадига тамкин буюриб, дарсгўйлиг маросимин бажо келтурар».

Мавлоно Ҳожимуҳаммад Наққош. Султон Ҳусайн мирзо саройининг машҳур олими, наққош ва мусаввири, турли ҳунар эгаси ва шоири. Ёшлигидан Алишер Навоий қўлида тарбияланади. Алишер Навоийнинг вазирлик чоғларида ул зотнинг китобдори бўлган. Ҳожимуҳаммад наққош ихтирочи олим эди. Унинг замондоши мавлоно Хондамир у ясаган соат ҳақида шундай ёзади: «Мавлоно Ҳожимуҳаммад турли фанлар ва илмлар соҳасида катта маҳоратга эгадир. Бунинг устига у ғаройиб хаёлот нақшларини ва турмуш, ҳаётнинг ажойиб суратларини рўзғор лавҳига чизар эди. Тасвир ва тазҳиб фанида тамом маҳоратлигдир. Ўз азиз умрининг бир неча муддатини чинни пиширмоқ ишига сарф қилиб, кўп тажриба эттани ва беҳад машаққат чекканидан сўнгра у яратган чиннисозлик корхонасида пиширган идишлари ранги ва сифати билан Хитой чиннисидан қолишмас эди. Мавлоно Ҳожимуҳаммад ихтироларидан бири сандуқли соатдир, ки уни аъло-ҳазрат Алишер Навоий китобхонасида ясагандир. Шу сандуқ ичида бир сурат ясаган, ки кундан бир соат ўтганда ул суврат қўлида ушлаб турган чўп билан олдида ўрнатилган нақорага урар эди. Икки соат ўтгандан кейин икки навбат шу ҳаракатни қайтарар эрди. Шу зайлда оқшом ва кундузнинг барча соатларида ул амални бажо этур эрди».

Ҳожимуҳаммад наққош Алишер Навоий қўли остида узоқ муддат ишлади, ижод қилди. «Мажолисун-нафоис»да у ҳақда шундай дейилади: «Мавлоно Ҳожимуҳаммад Машҳаддиндур. Кўпроқ авқоти бу фақир била мусоҳибдур ва фарзанд ўрнидадур, балки андин ҳам азизроқ. Ахлоқда малакийдур башар суврати била келган ва атворда фаришталдир. Инсон ҳайъатида зуҳур қилган. Табъи софий, тафаккури барча диққатларга вофий (қодир)».

Мавлоно Хондамир келтирган маълумотларга қараганда, Алишер Навоий Астрободга ҳоким бўлиб боргач, Мавлоно Ҳожимуҳаммад Форс, Ироқ ўлкаларини мусофирликда кезади. Шу пайтларда Султон Ҳусайннинг ўғли Бадиуззамон Мирзо Балх вилояти ҳокими эди. Мавлоно Ҳожимуҳаммад унинг хизматига боришга мойиллик билдиради. 1499 йилда Бадиуззамон мирзо отасига қарши исён кўтариб, Ҳиротни муҳосира қилганда Ҳожимуҳаммад наққош шаҳзода Бадиуззуамон ҳузурига келади. У сарой китобдори этиб тайинланади. Бу ерда у бир неча вақт наққошлик ва мусаввирлик билан шуғулланади. Умрининг охирги йилларини ўзи ўсиб вояга етган шаҳри Ҳиротда кечиради ва 1507 йилда вафот этади.

Дарвешмуҳаммад ибн Муҳаммад Мўъмин. Султон Ҳусайн замонининг машҳур мусаввири ва наққоши. Беҳзод нигорхонасининг ҳунар соҳиби. У ёшлигидан Камолиддин Беҳзод шогирди бўлган ва етук мусаввир бўлиб етишган. Дастлаб у Хуросондаги манзиллар ва саройлар нақшидаги зарар етган жойларини таъмирлаш билан шуғулланган. Сўнгра у Беҳзод хизматига ўтади. Алишер Навоийнинг эътироф этишларича, Беҳзод нигорхонасида кўргазмага қўйилган санъат асарларининг аксари Дарвешмуҳаммад томонидан бажарилган. Султон Ҳусайн вафотидан сўнг у форс ўлкасига кўчади. У ердан Ҳиндистонга ўтади ва Ҳумоюн саройида катта эътибор қозонади. Бобурийлар ҳам нафис санъат ихлосмандлари эдилар. Вазиру муншилар орасида ҳам мусаввиру наққошлар кўп эди. Муаррих Мирза Ҳайдар Ҳумоюншоҳ саройида мусаввирликни севиб қолиб, Дўстмуҳаммадга шогирд тушади. У ўзининг «Таърихи Рашидий» асарида уни меҳр билан тилга олади: «Фақирнинг устози мавлоно Дўстмуҳаммад Шоҳмузаффарнинг шогирди эди. Мўйқаламининг нозиклиги мислсиз эди, Шоҳмузаффардан ҳам ўтар эди. У найзасининг учида бир шерни кўтариб турган суворий тасвирини чеккан эдики, мазкур тасвир бир гуруч донаси остида жо бўларди». Бундан маълум бўладики, Дўстмуҳаммад «Таърихи Рашидий» ёзилаётганда, яъни 1546 — 1547 йилларда ҳаёт бўлган.

Султон Муҳаммад Нур ибн Мавлоно Нуруллоҳ. Султонали Машҳадийнинг шогирди. Султон Ҳусайн вафотидан кейин Бухорода яшаган ва XVI асрининг 40-йилларида шу ерда вафот этган. У кўчирган китоб нусхалари бизгача етиб келган. Алишер Навоийнинг терма девони (Петербург давлат кутубхонасида), Шарафуддин Али Йаздийнинг «Зафарнома»си (1529 йили кўчирилган, Теҳрон, Гулистон саройи кутубхонасида), Шайх Саъдийнинг «Бўстон»и (1529 — 1530 йилларда кўчирилган, Лондон, Осиё Халқлари музейида) шулар жумласидандир. Султон Муҳаммад Нур кўчирган Воиз Кошифийининг «Даҳ вазир» асари нусхаси Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти битик китоблар ганжинасида сақланади. У 1540 йилларда Бухорода вафот этади.

Абдулжалил. Алишер Навоийнинг котиби. Шоир ҳаётлигида у кўчирган «Хамса» нусхаси манзур бўлган. Муаррих Мирхонд у ҳақда ёзади: «Мавлоно Абдулжалил донишмандлар силкида интизом топиб, бир неча вақт Султония мадрасасида дониш қалами билан илм аҳли ва талабаларнинг кўнгиллари саҳифасига ифода нақшини ёзди. Таърихи санайи 911 ҳижрий (милодий 1505)да вафот этиб, Султон Иброҳим Аминий ибн Шоҳрух мирзо унинг вафоти таърихига бу қитъани варақ рухсорига битди:

Афсус, зи он сипеҳри дониш,
К-аз меҳри варо сутуд офоқ.
З-он Абдулжалил гашт номаш,
К-ороста шуд ба ҳусну ахлоқ
Тарихи вафоти у хирад гуфт
Алломайи бемисоли офоқ.
(Афсуски ул дониш осмонидан
Уфқлар унинг қуёшин олди.
Шундан номи Абдулжалил бўлди.
Яъни ҳусну ахлоқда ораста бўлди.
Унинг вафоти тарихига ақл деди:
«Офоқнинг бемисл алломаси»).

Ашрафхон Мир Мунши. Асл исми Мир Муҳаммад Асқар. Сабзавор шаҳрида туғилган. Султон Ҳусайн саройи хаттоти ва наққоши. У етти турли ёзувни мукаммал билган. Айниқса, насх билан таълиқ ёзувида унга етадигани бўлмаган. Кейинчалик Ҳиндистон подшоҳи Ҳумоюн саройида шуҳрат топган. Мирмуншилик мансабига кўтарилган. Вафоти 1565 — 1566 йилларда.

Абдулла Марварид Кирмоний. Асл исми Шаҳобуддин ибн Хожа Шамсуддин Марварид. Баёний тахаллусида шеърлар ёзган. Машҳур хаттот. Султон Ҳусайн саройи муншиси. Вафоти 1516 йил. Унинг шеърий девони, «Таърихи шоҳий» асари ва муншаоти бизгача етиб келган.

Хожа Абдулазиз наққош. Устод Беҳзоднинг шогирди. Манбаларда унинг катта ақл ва билим эгаси бўлгани айтилади. Хожа Қабоҳат Жарроҳнинг ўғли Мирзо Муҳаммад икки-уч нафар наққош билан уни ҳам олиб Ҳиндистонга кетмоқ бўлганларида подшоҳ муҳрини тақлид қилиб, юз туманлик барот (нақд пул олиш учун ишонч қоғози) ясайдилар. Аммо қўлга тушадилар. Шоҳ жазо тарзида Хожа Абдулазиз ва Мавлоно Али Асқарнинг қулоқ ва бурунларини кестиради. Нақл қиладиларки, Хожа Абдулазиз ўз наққошлиги маҳорати билан ўзига шундай бурун ясайдики, аввалги ўз бурнидан яхшироқ эди.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ЯНА БИР ЎҚУВ

Бугунги ўзгаришлар даври республикамизда энг оммавий жамоат ташкилотларидан бири бўлган касаба уюшмалари олдига ҳам долзарб масалаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу масалаларни ечишда эса, касаба уюшмаси фаолларининг малакасини ҳозирги кун талаблари асосида ошириш энг асосий вазифалардан биридир. Ана шу мақсадда Ўзбекистан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бирмунча ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Чунончи, шу йилнинг ўтган даври мобайнида Андижон шаҳрида Андижон, Наманган ва Фарғона, Тошкент шаҳрида Тошкент шаҳар ва вилоят, Термиз шаҳрида Сурхондарё ва Қашқадарё ҳамда Жиззах шаҳрида Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари халқ таълими, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари касаба уюшмаси қўмиталари раисларининг ўқув семинари ўтказилди.

Ўқув жараёнида тингловчилар билан бир қаторда Ўзбекистон халқ таълими, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим ва Меҳнат вазирликларининг вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг йирик олимлари, вилоят ҳокимлиги вакиллари, вилоят Марказий банк ва солиқ қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари ҳам иштирок этиб, маърузалар ўқидилар. Ўқув якунида ҳар бир тингловчига ўқишни муваффақиятли тугатганлиги тўғрисида касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг гувоҳномаси топширилди.

Ўқув жараёнида Ўзбекистон касаба уюшмалари ва тармоқ касаба уюшмасининг Низомлари асосида ўз ҳуқуқий доираларидаги вазифалари, ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этишда маҳаллий ҳокимият, халқ таълими органлари билан касаба уюшмаси қўмиталарининг ҳамкорликда олиб бораётган иш тажрибалари атрофлича муҳокама этилди.

Асқарали СУЛТОНОВ.

Олий ўқув юртларида

ТАЛАБАНИНГ УЙИ ТАЛАБГА МОСМИ?

Талаба илм олар экан, аввало, унинг фанларни қанчалик ўзлаштириш-ўзлаштирмаслиги у яшаётган жойга, шу жойдаги муҳитга бевосита боғлиқ бўлади. Ётоғи тинч, тоза ва озода, яшаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яхши бўлса, ўз-ўзидан талабанинг ҳам ўқиши аъло даражада бўлишига бир омилдир, дея оламиз. Хўш, бугунги кунда Тошкент давлат университети талабаларига Талабалар шаҳарчасида қандай шарт-шароит яратилган? Ота-онасидан йироқда бўлган талабанинг турмуш даражаси қай аҳволда? Шу каби саволларга жавоб излаш мақсадида мазкур шаҳарчада бўлдик ва бу ердаги амалий ишлар билан танишдик.

Бу ердаги 7 та умумий ётоқхонада вилоятлардан келган 1600 нафар талаба истиқомат қилар экан. Ётоқхоналарни кўздан кечирар эканмиз, у ердаги ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда ташкил этилган дам олиш ва телевизор кўриш хоналари, шахмат-шашка ва спортнинг бошқа турлари учун ажратилган махсус жойларни кўриб мамнун бўлдик.

Ҳар бир ўқиш залида «Халқ сўзи», «Маърифат», «Ишонч» ва «Туркистон» газеталари тахламлари бор. Мунтазам олиб турилади-ган бу вақтли нашрлар ётоқхоналарда яшаётган талабаларнинг республикамиз ва хорижда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўлиқ хабардор бўлишларини таъминлаяпти.

— Яқинда барча ётоқхоналарга 400 минг сўмлик чойшаблар, ёстиқ жилдларини тарқатдик. Яна умумий қиймати 900 минг сўмлик ҳудди шундай ҳўжалик учун зарур бўлган жиҳозларни олиш арафасида турибмиз, — дейди Талабалар шаҳарчаси директори Адҳамжон Эргашев.

Талабаларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Масалан, ўтган йили кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож талабаларга Тошкент давлат университети томонидан 544 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Мазкур 1996 йилнинг шу кунигача эса ана шу мақсадда университет маъмурияти 300 минг сўм пул ажратди. Бу маблағлар 500 сўмдан қилиб, жами 600 нафар кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга тарқатилди.

Ўтган ўқув йили якунидаги таътил даврида Талабалар шаҳарчасидаги барча ётоқхоналар икки ой муддатда, яъни янги ўқув йили бошлангунга қадар ёпиб қўйилган эди. Республикамизда биринчи марта шу усул тажрибада синалди. Электр токи, водопровод суви ва газнинг, шунингдек, хизматчиларга бериладиган маошнинг тежаб қолиниши эвазига 1 миллион 300 минг сўм иқтисод этилди. Бугунги кунда ана шу маблағ шаҳарчадаги ободончилик ва таъмирлаш ишларига сарфланяпти.

Яна бир янгилик. Талабаларни кундалик иссиқ нон билан таъминлаш мақсадида, шунингдек, мазкур ҳудудда яшовчиларнинг нон маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжлари юқорилигини инобатга олиб «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси ташаббуси билан бошланган кичик нон заводи қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Германия технологияси асосида ишлайдиган бу нон заводи ўз фаолиятини бошласа, 2 сменада суткасига 7—8 тонна турли хил нон маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Нонинг мул бўлиши эса талаба дастурхонига файзу барака киритади.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат» мухбири.

ЮРАККА СИНГИГАН ОҲАНГЛАР

Ҳар бир халқнинг ўз оҳанги бўлади. Маънавий оҳанги. Бу оҳанг товушларининг манбаи халқнинг ичида, унинг юрагида. Ўзбекнинг ҳам ўзбекона оҳанги бор. Яқинда Ҳамза номидаги Академик драма театрида ушмундоқ оҳанг юракдан таралиб, юракка сингди. Бу ерда ҳунартехника билим юртлари фольклор дасталарининг II республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Алла»нинг майин жимжимасию «Ёр-ёр»нинг кўнгилларни қитиқловчи садоси... борингки халқнинг туйғулари. Ва бу туйғулар тўпланиб-тўпланиб бир оҳангни тузди. Юрагимизга муҳрлади. Бу — ўзбекона оҳанг. Ўзбеконалик ўзбекка хос...

Суратда: «Марғилон кумушлари» дастасининг чиқишидан бир кўриниш.

Р. ГАЛИЕВ суврати.

БОҒЧАДА АНЖУМАН

Яқинда А. Икромов туманидаги 20-«Ниҳол» номли боғча-яслида «Янги ишлар дебочаси» мавзуида амалий кенгаш ўтказилди. Туман миқёсида ўтказилган бу анжуманда асосий эътибор болалар боғчаларида овқатланиш ва жисмоний тарбия масалаларига қаратилди.

Энг аввало шуни айтиб ўтиш лозимки, «Ниҳол» болалар боғчасида болаларни жисмонан бақувват, эпчил қилиб тарбиялаш учун анчагина тадбирлар амалга оширилаётир Мазкур боғча-ясли қошида ёш ота-оналар мактабининг ташкил этилганлиги ҳам ҳудди шу йўлдаги саъй-ҳаракатлардандир. Бугунги кунда бу мактаб яхши натижаларга эришаётгани ҳам қувонарли ҳол, албатта.

Боғча мудираси Ирина Байсалова ўз сўзида ёш ота-оналар мактабининг фаолияти, «Соғлом авлод учун» истиқбол дастурини амалга ошириш, болаларни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш учун тиббиёт ходимлари ва педагогик жамоа ҳамкорлигида олиб бораётган ишларнинг самарадорлиги хусусида тўхталди.

Тиббиёт ходимлари — М. Абдураҳмонова, П. Ритченко, М. Эликова «Таомларни танаввул қилиш, уларнинг сифати, калорияси, ҳажми» тўғрисида фикр юритишиб, илк ёшдаги кичкинтойларнинг саломатлик ҳолатини, уларнинг жисмоний ривожланиши ҳамда даволаш аспектлари ва кун тартиби ҳақида ўзларининг зарур маслаҳат ва тавсияларини баён қилишди.

20-»Ниҳол» боғча-ясли тарбиячиси Н. Ҳасанованинг уч ёшгача бўлган болалар билан ўтказган жисмоний тарбияга оид амалий машғулоти ҳам анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

К. МАҲКАМЖОНОВ.

ТАДБИРНИНГ КАЛИТИ КЎП

Яқинда шаҳримиздаги 318-«Бошлангич мактаб-боғча» комплексида «Янги технологиялар ҳаётга!» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда республика Таълим илмий-методика маркази, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, малака ошириш институтларининг вакиллари иштирок этишди. Албатта, «буям бир оддий анжумандир-да!» деганча қўл силтаб ўтиб кетиш мантиққа тўғри келмаса керак. Ахир нима бўлганда ҳам жажжиларимизнинг қоп-қора кўзлари, қувноқ, шўх қийқириғи, истиқболли келажаги ҳақи ҳатто жонини фидо этишга ҳозиру нозир, гўзал қалб устозларнинг камтарона саъй-ҳаракатларини элга кўз-кўз қилиш жуда ҳам зарур-ку!

Ҳуллас, мазкур анжуманда бир неча мавзуларни ўз ичига олган очиқ дарслар режалаштирилган эди. Айниқса, 1-»В» синф муаллимаси Саида Тулаганованинг жуда тадбиркор эканлиги билинди. У «аукцион дарс» деб номланган очиқ сабоқларини бутунлай янгича усулда намойиш этдики, тан бермасдан иложингиз йўқ. Ахир, болаларнинг бўш вақтларини ҳозирги замон даражасида ташкил этиш, мавжуд фанга барчани бирдай қизиқтира билишликнинг ўзи бўлмайди-да! Умуман олиб қараганда эса, тадбирнинг калити кўп. Ҳамма гап уларни ўз-ўзингга астойдил суяниб кашф эта олишда.

Олимжон ҲАЙИТ.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БИЛДИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ — қабул қилиш пайтида камомад, юкнинг айниши, муҳрларнинг бузилиши ва бошқа ҳолатлар ҳақида асосий далолатномага қўшимча равишда тузиладиган далолатнома (акт). Айбдор томонга даъво кўзғаш учун тузилади.

БИЛЛЬ-БРОКЕРЛАР (инг.) — қимматбаҳо қоғозлар бозорида векселлар ҳисоби ҳамда қайта ҳисоби бўйича келишувларда воситачилик қиладиган вексель маклерлари. Вексель суммасидан муайян процент даллоллик (комиссион) ҳақи олади.

БИРЖА (голл. нем. — ҳамён) — бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли; товарлар (товар биржаси), қимматбаҳо қоғозлар (фонд биржаси), валюта (валюта биржаси) улгуржи савдоси, товар бўлган «иш кучи» олди-сотписи (меҳнат биржаси) бозори. Биржага биржа қўмитаси раҳбарлик қилади. Унинг ҳузурида котировка комиссияси иш олиб боради. Биржада брокерлар, дилерлар, трейдерлар фаолият кўрсатади.

Товар биржаси оммавий товарлар (дон, пахта, металл ва б.) ни стандартлар ёки намуналар бўйича сотади. Айрим биржалар аксарият фақат бир гуруҳ товарлар савдоси бўйича ихтисослашади. Келишувлар маълум муддатларга тузилади (аксарият 6 ой), натижада томонлар нархлар фақларидан кўп нарса ютиш ёки ютқазиши мумкин. Биржа нархлари ҳақидаги маълумотлар котировка шаклида мунтазам биржа бюллетенларида эълон қилиб борилади.

Фонд биржаси акциялар ва облигациялар билан олди-сотти муомаласини олиб боради. Бундай биржаларда мамлакатда чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар билан бирга чет эл қимматбаҳо қоғозлари ҳам савдода қатнашаверади. Фонд биржасидаги битишувларда қиммабаҳо қоғозлар ҳақи савдолашувнинг ўзида ёки 2-3 кун кейин тўланади (касса битишуви) ёки ҳисоб-китоблар бир ой муддатда ўтказилади (муддатли битишув). Биржада иш кўраётганлар қимматабҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олиш вақтидаги курслар фарқидан (муддатда сотиш) катта фойда кўрадилар. Йирик фонд биржалари Нью-Йорк, Токио, Лондон, Париж, Базель, Москва ва б. шаҳарларда жойлашган.

Валюта биржаси валюталар бозорини ўтказади ва валюталар котировкасини амалга оширади. Ҳозирги шароитларда кенг кўламли валюта савдоси йирик банклар ўртасида олиб борилади, аммо айрим мамлакатларда банклараро валюта бозори билан бирга махсус валюта биржалари ҳам бор. Тошкентда ҳам валюта биржаси иш олиб боради (1992, апр.).

Меҳнат биржалари ҳақида қ. Меҳнат биржаси.

Биржа ва унинг турли шакллари бозор механизмининг инфраструктурасини ташкил этади. Биржа келишувининг характерли белгиси товар ёки акция ва валюта курсларига, баҳонинг тебраниб туришига ҳақиқий ва чайқов йўли билан таъсир қилишидир. Ҳукуматга алоқадор, ишлаб чиқаришни назорат қилиб турадиган монополистлар ишлаб чиқаришнинг мўлжалланаётган ўсиши ёки пасайиши, дивидентларнинг қисқариши ёки ошиши, нарх, акция ва валюта курсининг кўтарилиши ва тушишидан доимо хабардор бўлишади, қимматбаҳо қоғозлар (товарлар)ни паст баҳоларда сотиб олиб, кейин қимматга сотиб, чайқовчиликдан катта фойда кўришади. Шу аснода биржа олиб-сотарлигининг пайдо бўлиши бировларнинг бойиб, бошқаларнинг эса (айниқса, майда ва ўрта қатламларнинг) хонавайрон бўлишига олиб келади. Бизнинг мамлакатимизда 20-йилларда биржалар мавжуд бўлиб, улардан кўп укладли иқтисод шароитида бозорни давлат томонидан бошқариш мақсадида фойдаланилган эди. 1991 йилдан мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши даврида Ўзбекистонда «Тошкент», «Турон», «Ўзбекистон» каби биржалар фаолият бошлади.

Давоми бор.

Боши газетамизнинг ўтган сонларида.

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗЛИГИ УРФИДА

Ҳар бир халқ, миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, ўтмиши ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ анъаналари мавжуддир. Ўзбек халқининг ҳам урф-одатлари, турмуш тарзи, оммавий маросимлари қаторида таълим-тарбия маданиятига хос анъаналари ҳам бор. Халқимизнинг ибратли томонлари Туркистон халқлари урф-одатларини ўрганган кўпгина шарқшунослар томонидан эътироф этилган.

Ҳақиқатан ҳам, ўзбекларда болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган жуда кўп яхши анъаналар бор. Қадимдан янги чақалоқнинг дунёга келиши фақат ота-она учунгина эмас, балки ҳамма қариндошлар, қуниқўшнилар учун ҳам қувончли ходиса ҳисобланган. Улар тўпланиб, чироқ ёқиб, янги меҳмоннинг дунёга келишини сабрсизлик билан кутишган.

Ҳозиргача сақланиб келаётган қадимий урф-одатлардан яна бири — янги чақалоқ шарафига дарахт ўтказишдир. Фарғона водийсида кўпинча ҳовли атрофига терак кўчати ўтказилади. Бу билан ота-оналар янги меҳмоннинг дунёга келишини анъанавий маросимга айлантириб ёки табиатга меҳр-муҳаббат уйғотибгина қолмасдан, балки ўша терак фарзанд улғайганда янги уй қуриш учун асқотишини ҳам кўзлашади.

Ўзбекларда фарзандга исм қўйиш ҳам ўзига хос тарзда ҳал қилинади. Одат бўйича болаларга оиладаги катталар, эл-юрт ўртасида обрўли бўлган кишилар, эътиборли қариялар ном қўядилар.

Оилада бола кўриш, уни соғлом ўстириш билан бирга, унинг одобли бўлишига ҳам катта эътибор берилган. Бола гавдасини тутиб олиши биланоқ унга қўлини кўксига қўйиб саломлашишни, тилга киргач эса, «Ассалому алайкум» дейишни ўргатишади. Бу ҳам халқ педагогикасининг азалий сабоғи.

Ўзбек халқ педагогикаси ўзининг анъанавий тарбия методларида болаларнинг катталарга биринчи бўлиб салом бериш, улар гапига аралашмаслик, ёши улуғлар ўз жойларига ўлтиргунга қадар ўтирмаслик, уйга катталардан сўнг кириш, лекин эшикни биринчи бўлиб очиб, уларга илтифот кўрсатиш каби одоб қоидаларига риоя қилишни ҳар доим талаб қилган. Кўпгина ўзбек оилаларида катталар кичикларни ҳам сизлайди. Бунда кичикларнинг исмларига «жон», «хон» қўшиб муомала қилинади. Бу билан улар ёшларни ўзлари билан тенг тутаётганликларини, уларни шахс сифатида ҳурматлаётганликларини намоён қиладилар. Бундай муомаланинг тарбиявий аҳамиятини таърифлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ўзбек халқ педагогикасининг яна бир ўзига хос хусусияти — қизлар тарбиясига алоҳида эътибор берилиши. Уларнинг ҳулқи, одоби, муомала маданияти ҳамиша оиланинг диққат марказида бўлган. Қизлар ота-онага итоатда, катталарга хурматда бўлиш руҳида тарбияланганлар. Уларга одобнинг нозик томонлари ўргатилган. Шунинг учун ҳам улар доим серназокат бўлишган, айниқса, меҳмонлар олдида мулойим одоб сақлашган.

Халқ педагогикасида оилавий маросимларнинг аҳамияти ҳам каттадир. Боланинг «атак-чечак» қилиб мустақил қадам ташлашидаги «Биринчи қадам» байрами, мучал ёшини нишонлаш, «Бешик тўй» маросимларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёни ўз тартиб-қоидалари ва урфлари билан болалар ва ёшлар шахсининг шаклланишига кучли таъсир этган. Ҳозирда ҳам бундай анъанавий маросимларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбек халқ тарбияшунослиги амалиётида оммавий байрамлар ва маросимларнинг ҳам ўз ўрни бўлган. Халқ байрамларининг аксарияти йил фасллари билан боғлиқ бўлиб, улар кўпроқ баҳорда, қисман ёз, куз ва қишда ўтказилган. Айниқса, баҳор байрамлари — «Лола сайли» (Фарғона водийси ва Тошкент атрофида), «Қизил гул сайли» (Бухоро ва Хоразмда), «Сумбула сайли» (айрим тоғли ҳудудларда), «Бойчечак сайли» (бошқа жойларда) гуллар кўп очиладиган тоғ ёнбағирларида, адрларда ўтказилган. Бунда болалар, йигит ва қизлар йиғилишиб гул теришган, қўшиқлар айтиб рақсга тушишган, ўйинлар ўйнашиб, табиат гўзалликларидан ҳузурланишни, она табиатга муҳаббатла муносабатда бўлишни ўрганишган.

Умуман, халқ анъаналари, байрам ва маросимлари ҳам халқ педагогикаси ғоялари ва амалиётининг хазинасидир.

Абдулла АЛИМОВ,
Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси.

Республика ижодкор Ўқитувчиларининг анъанавий V кенгаши олдидан

ЧЕҲРАНГ УЗРА

Кўзларимдан ўзни чет тортиб,
Мисли чўғдек қизарганинг чоғ,
Чеҳранг узра тонг отаётиб
Барқ урганга ўхшайди шафақ.
Сўнгра майин табассум билан
Боқишларинг менга бир йўла —
Офтоб каби қирмиз уфқдан
Бош кўтариб таратган шуъла.

Раззоқ ИБРОҲИМ,
Хазорасп туманидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси.

РУБОБ

Рубобмиш инсоннинг дил таржимони,
Азалдан бўлармиш инсонга сирдош.
Моҳир созанданинг чалган замони,
Юраклар эрирмиш бўлса ҳамки тош.

Шунинг учун инсон ардоқлаб, суюб,
Берилиб чалганда ушбу созини,
Машшоқ юрагига қулоғин қўйиб
Сузларкан одамнинг юрак розини.

Йўлдош РЎЗИҚУЛОВ,
Бўка туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси.

ВАТАН

Йиқилсам ушлайман тупроқларингни,
Кўзимга суртгайман байроқларингни.
Ватаним, сени деб ўлсам розиман,
Тутиё айлайман яproқларингни.

Қадрингни билмаган хор бўлиб ўлгай,
Ўзга бир юртларда зор бўлиб ўлгай,
Ўз элин деганлар бир умр кулгай,
То абад ёққайман чироқларингни.

Ватан деб жонини берганлар қанча,
Шаҳидлик қонини тўкканлар қанча,
Қалбда армонлари қолганлар қанча,
Дилимга жойлайман сабоқларингни.

Эй Одил, Ватанинг тузини оқла,
Ҳар қарич ерини суюб, ардоқла,
Ватан — бу иймондир, дилингда сақла.
Севаман замину чорбоғларингни.

Одил ОРТИҚОВ,
Боёвут туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси.

БАҲОРИМ

Йўлларингга бўйлаб кўзларим толди,
Чорлай-чорлай интиқ сўзларим толди,
Баҳоримни кута, кўзларим толди.
Бунчалар кечиқдинг, баҳорим,
Жуда ҳам ичиқдим, баҳорим.

Соғинч ранг-руйимни қилганда заъфар,
Сарин еллар сендан бердилар хабар,
Васлингни интизор кутгум ҳар сафар,
Бунчалар кечиқдинг, баҳорим,
Жуда ҳам ичиқдим, баҳорим.

Ўтаётган қишнинг пичири — сенми,
Муз ёрган майсалар шивири — сенми,
Ишчан боларилар ғувури — сенми,
Бунчалар кечиқдинг, баҳорим,
Жуда ҳам ичиқдим, баҳорим.

Соғиндим, бағримга қуйдек оқиб кел,
Адиру-қирларга гулхан ёқиб кел,
Боғларимни безаб, маржон тақиб кел.
Бунчалар кечиқдинг, баҳорим,
Жуда ҳам ичиқдим, баҳорим.

Муножатхон КАРИМЖОН қизи,
Олтиариқ туманидаги 39-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЁШ ФОТО-КИНО САНЪАТИ ҲАВАСКОРЛАРИНИНГ ФЕСТИВАЛИ

Кино ва фото санъатлар орасида энг оммавийдир. Унда инсонларнинг фикр-туйғуси, ақл-идроки, орзу-умидлари ифода этилади. 18—20 апрель кунлари республика Таълим илмий-методика марказида бўлиб ўтган ёш кино-фото ҳаваскорларининг V республика фестивали ҳам бу фикрни яна бир бор тасдиқлади. Анжуман болалар ўй-хаёлларининг расмларда ҳамда киноленталардаги ифодаси намойишига айланди.

Фестиваль очилиши маросимида Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев сўз олиб, фото-кино санъатининг ёш ижодкорлари сафи ўсиб бораётгани, улар воқеаларни холисона тарих зарварақларига муҳрлашга интилаётганини қайд этди.

Курик-танловга ўқувчилар ўз қуллари билан олган ва тайёрлаган фильмларни тақдим этдилар. Мазкур фильм ва суратлар тўрт йўналишда кўриқдан ўтди.

Фото санъатининг биринчи йўналиши — ўқув жараёни бўйича Дилшод Жўрабоев (Чортоқ шаҳри, 3-мактаб) I, Марсель Женев (Тошкент шаҳри, 253-мактаб) II, Эркин Эргашев (Самарқанд шаҳри, 10-мактаб) III ўринни; иккинчи йўналиш — фотограмма бўйича Ғофур Қодиров (Сирдарё шаҳри, 22-мактаб) I, Ғофур Мирзаев (Бухоро шаҳри, 6-мактаб) II, Шуҳрат Бобомуродов (Сариосиё тумани, 2-мактаб) III; учинчи йўналиш — эркин мавзу бўйича Алибек Норбеков (Пахтаобод тумани, 2-мактаб) I, Жалил Талаев (Хонобод шаҳар, 4-мактаб) II, Равшан Горибян (Тошкент шаҳри, 166-мактаб) III; тўртинчи йўналиш — мустақил Ўзбекистон бўйича Дилшод Жўрабоев (Чортоқ шаҳри, 3-мактаб) I, Шуҳрат Бобомуродов (Сариосиё тумани, 2-мактаб) II, Сафар Турдиев (Косон тумани, 63-мактаб) III ўринни эгаллашди.

Кино соҳаси бўйича Наманган вилояти ўқувчилар техник ижодиёти маркази жамоаси «Хонадон» фильми учун гранпри совғасини олди. Курик-танловда Жиззах шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси Акмал Махрамов «Қуйитош», Самарқанд шаҳридаги 63-мактаб ўқувчиси Музаффар Мамаюсупов «Амир йўллари», Жиззах шаҳридаги 22-мактаб ўқувчилари Ҳайитбой Омонов ва Шерзод Искандеровлар «Ер қаърига саёҳат», Шеробод туманидаги 43-мактаб ўқувчилари Чори Утаганов ва Уткир Турсуновлар «Бобом» фильмлари билан иштирок этишиб, фахрли I ўринни олдилар.

Андижон шаҳридаги узбек-турк лицейи ўқувчилари Нилуфар Муминова ва Зафар Деҳқоновлар «Лола», Чортоқ туманидаги 7-мактаб ўқувчиси Расул Болтабоев «Қилмиш-қидирмиш», Нукус шаҳридаги 7-мактаб ўқувчилари Р. Абдураимов, М. Қодиров, А. Отаниёзовлар «Мактаб чемпиони», Навоий шаҳридаги 11-мактаб ўқувчиси А. Девятярева «Тараканище» фильмлари учун II ўрин берилди. «Қандай ғўзал бу олам» фильми учун Бухоро шаҳридаги 6-мактаб ўқувчиси Ғ. Мирзаевга, «Бефойда тадбир» мультипликацион фильми учун Нукус шаҳридаги 7-мактаб ўқувчиси Б. Қодировга, «Ташлаб кетма» фильми учун Андижон шаҳридаги узбек-турк лицейи ўқувчилари Нилуфар Муминова ва Зафар Деҳқоновларга ҳамда «Қучқор уруши» фильми учун Янгибозор туманидаги 26-мактаб ўқувчиси Т. Давлетовга III ўрин насиб этди.

Фото санъати бўйича умумий командада Наманган вилояти I, Тошкент шаҳри II, Сурхондарё вилояти III ўринни; кино санъати бўйича эса Наманган вилояти I, Андижон вилояти II, Жиззах вилояти III ўринни олдилар.

Фото-кино фестивали ғолибларига Республика Халқ таълими вазирлиги, «Самандар» узбекҳинд қўшма корхонаси ҳамда Узбекистон ёш киноҳаваскорлар жамиятининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

Хулдас...

ЯНА ОҚПОШШО ҲАҚИДА

янги тахмин илгари сурилди. Бу тахмин эгалари Милуокилик профессор Милош Внук ва чикаголик мусаввир Михаил Сморчевский. Бир неча йиллардан буён Николай II ўлими сирларини ўрганиб келаётган бу икки тадқиқотчининг гапларига қараганда, чор Россиясининг сўнгги шоҳи Англия разведкаси томонидан тайёрланган сохта буйруқ орқали қатл қилинган эмиш. Мақсад: Британия банкида Николайга тегишли бўлган 600 тонна олтинни қўлдан чиқармаслик бўлган экан.

Демоқчимиз: ўтганлар ўтди, энди тирикларга инсоф берсин.

«ТАНИБ ОЛДИМ НИҚОБИНГДАН»

Майкл Жексоннинг бразилиялик мухлислари юқоридаги қўшиқни баралла куйлаб юришибди. Сабаби: бир неча кундирки Майклбой Рио-де Жанейро шаҳрида юрибди. Бу ерда унинг янги клипи суратга олиняпти. Ишқибозлар «тажовузи» дан ўзини (тўғрироғи, терисини) ҳимоя қилиш мақсадида ниқобда юрган қўшиқчини барибир таниб қолишди. Бир-иккитаси қучоқлаб ҳам олди. Ваннада кун бўйи чўмилиб, ёт микроблардан ўзини тозалаган Майкл Жексоннинг хаёлидан бир фикр кечди: «ниқобланишнинг бошқа йўлини топмасам бўлмайдиганга ўхшайди».

АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ

Бу мурожаат Бельгияда инсонларга эмас, ҳайвонларга қаратила айтилмоқда. Афсуски, улар буни тушунишмайди.

Бу ерда кейинги пайтларда ёввойи паррандаю даррандалар автомобил қурбони бўлишмоқда. Ташвишга тушиб қолган ҳукумат кескин чоралар кўриш ниятида. Дастлаб ҳайвонлар учун махсус ер ости йўллари қуриш назарда тутилмоқда.

ТИЛЛАСИ БОР ТИЛАМЧИ

Саудия Арабистонидаги ал-Хуфуф шаҳрида уни ҳамма танийди. Мачитлардан бирининг бўсағасида тиламчилик қилиб ўтиради. Яқинда бир йўловчи унинг чўнтагида бир пачка америка долларини кўриб қолди. Одамлар йиғилиб, чўнтагини кавлашмоқчи бўлишган эди, бир юлқинди-да, урра қочди. Лекин чўнтагидаги кармончаси тушиб қолди. Очиб қарашса, 90 минг доллар тахланиб турибди.

ана шунақа гаплар.

Азиз юртдошлар! Сизларни кириб келаётган улуғ айём — Қурбон ҳайити билан қутлаймиз! Бу муборак кун ҳар бир мўмин киши ҳаётида нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Қурбон ҳайити — озодлик, биродарлик, меҳр-мурувват байрами. Қурбон ҳайити — шукроналик байрами! Шу қутлуғ айём арафасида ҳар биримизга, аввало, Оллоҳ ризолигини, шахсий ва оилавий ҳаётингизга Оллоҳнинг раҳмати ва баракоти ёғилишини тилаб қоламиз.

УНУТИЛМАС БАЙРАМ

Тошкент шаҳридаги С. Калонов номли 96-ўрта мактабнинг Раъно Азимбоева ўқитаётган 1 -»Б» синфида «Алифбе байрами» бўлиб ўтди. Унда бийрон, зукко ўқувчилар таваллудининг 660 йиллиги жаҳон узра нишонланаётган буюк Соҳибқирон Амир Темур, Ватанни севиш, ахлоқ-одоб, илм эгаллаш, ота-оналарни ҳурматлаш мавзуларида қизиқарли шеърлар ўқидилар. Миллий ашула ва рақсларни ижро этишиб тадбирга йиғилган ота-оналарнинг таҳсинларига сазовор бўлдилар. Сўнг болаларга ота-оналар қўмитасининг совғалари топширилди.

Мактаб директори Р. Исамуҳамедова, илмий бўлим мудири М. Акромова, ота-оналар қўмитасининг раиси Н. Исроиловалар жажжи ўқувчилар ва уларнинг устозларини чин кўнгилдан муборакбод этишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Ислом — илм

КАЪБА ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Илм тинмай ўрганиш ва интилиш маҳсулидир. Ислом дини таълимоти инсонни ўрганишга ва ўрганганларини амалиётда қўллашга даъват қилади. Хусусан, Оллоҳ Қуръони Каримда шундай марҳамат этган:

«Оллоҳ сизлардан имон келтирганлар ва илмли бўлганларнинг даражасини кўтарди» («Мужодала» с., 11-0).

Ислом динида бўлган олимлар Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф кўрсатмаларига амал қилган ҳолда диндан тўртинчиси қибла, яъни намоз ўқувчи одам танаси ва юзи билан қиблага қараб турмоғи шартдир. Мусулмондарнинг қибласи Маккаи Мукаррама шаҳридаги Каъбаи Муаззамадир. Бу ҳақда Қуръони Каримда шундай дейилган: «Қайси тарафдан чиқсангиз юзингизни Масжид ал-Ҳаром томонга буринг! Ва қаерда бўлсангизлар (эй, мусулмонлар), юзларингизни ўша томонга буринг!» («Бақара» с., 150-0).

Шунинг учун «Қибла йўналишини аниқлаш» мусулмон мамлакатларида муҳим аҳамиятга молик масала бўлган ва бу ўз навбатида сферик тригонометрия усулларининг астрономияга татбиқини ривожлантиришда асосий омиллардан бири бўлган.

«Қибла йўналишини аниқлаш» сферик тригонометрия масаласи бўлиб, унинг учун параллактик (кузатувчи кўзининг силжиси туфайли кузатилаётган объектнинг силжигандай бўлиб кўриниши) учбурчакни ечиш керак. Бу учбурчак учларида қутб, Макка ва бирор маълум шаҳар бўлади. Томонлари эса шу икки шаҳардан ўтган меридианларнинг қутб билан у шаҳарларнинг ҳар бири орасидаги қисми ва иккала шаҳар орасидаги энг қисқа масофа бўлади. Шаҳарларнинг географик координатлари маълум бўлган ҳолда бу масала Макка меридиани билан иккала шаҳарни туташтирувчи катта айлана ёйи орасидаги бурчакни топишдан иборат бўлади. Буни эса геометрик ва тригонометрик, аниқ ва тақрибий усулларда ечиш мумкин. Мазкур усуллар асосида эса турли географик жойлар учун жадваллар тузилган бўлиб, бу ерда қибла кузатиш жойининг географик кенгламаси ва узунламасини тригонометрик функцияси сифатида иштирок этади. Масалан, покистонлик астроном ва фан тарихчиси Сайиид Самад Ҳусайн Ризвийнинг ўз мамлакати шаҳарлари учун Беруний нинг «Қонуни Маъсудий»да баён қилган усул билан ҳисоблаган жадвали. Ўз навбатида бу жадваллар «Зиж» (астрономик жадвал)ларга махсус бўлим сифатида киритилган.

Бундан ташқари қибла йўналишини махсус астрономик асбоблар — устрлоб, квадрант кабилар ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Бизга «Қибла йўналишини аниқлаш»нинг турли усуллари ва астрономик асбоблари ҳақидаги Муҳаммад ал-Хоразмий, Ҳабаш ал-Ҳасиб, Муҳаммад ал-Баттоний, Яъқуб ал-Қинди, Абул Вафо Бузжоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн ал-Хайсом, Қушяр ибн Лаббон ал-Жилий, Абдураҳмон ал-Хазиний, Ғиёсиддин ал-Коший ва бошқа кўплаб олимларимизнинг 400 дан зиёд қўлёзмалари мерос бўлиб қолган. Бу қўлёмалардан ислом мамлакатлари математика фани ва математик таълимотининг тараққиётини ўрганиш манбаи сифатида фойдаланиш мумкин.

Ислом динининг яна бошқа муҳим масалалари, яъни беш вақт намознинг вақтини аниқлаш,мерос тақсимлаш ва закот каби фарз амаллари ҳақида ҳам юқоридаги каби фикр юритсак, улар ҳам математиканинг ривожига улкан ҳисса қўшган манбалар эканлигини кўрамиз.

Норқул НОРМУРОДОВ,
ТошДУ геометрия ва математика тарихи кафедраси катта ўқитувчиси.

ЎҚИТУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

Ўқувчиларимиз келажагидан фахрланмоқчи бўлсак, уларга аввало Ватан тўйғусини сингдирмоғимиз лозим.

* * *

Мактабларда ташкил этиладиган тўгараклар хилма хил ва сермазмун бўлса, билингки, бу билим маскани ўқувчи ва ота-она хотирасида абадий яшайди.

* * *

Ўқувчи мактабни битириб кетди, у билан сиз учрашиб қолганингизда саломлашмаса, айбни ўзингиздан изланг.

* * *

Мактаб раҳбарининг ўз қўл остида ишлаётганларга қўпол муомалада бўлишга ҳаққи йўқ, чунки ҳар иккиси ҳам тенг ҳуқуқли ўқитувчидир.

* * *

Ўқувчининг ҳар қандай кичик ютуғини ўз вақтида кўра билиш раҳбарнинг бурчидир.

* * *

Ўқитувчининг хотиржамлиги таълим-тарбия жараёнини кўз илғамас ҳолатда издан чиқариб боради.

* * *

Муаллим доимо ўқувчи ва ота-она нигоҳида бўлади. Унинг хатти-ҳаракатини минглаб оддий, аммо маъноли кўзлар кузатиб боради.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
Сирғали туманидаги 237-мактаб директори.

Китоб жавонингизга

МИКРОДУНЁ ВА ОЛАМ СИРЛАРИ

Фан фақат олимларнингтина эмас, балки барча моддий бойлик ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам ютуғи бўлиши керак. Фан фақат янги информациялар бериш эмас, балки шахсни шакллантиришнинг фаол омилига, кишиларнинг ижодий имкониятларини ошириш аҳамиятга эга бўлиб боради. Бу сатрлар шу йил «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган Р. Б. Бекжоновнинг «Атом ядроси ва зарралар физикаси» қўлланмасига тааллуқлидир. Қўлланма кўпгина ҳозирги замон физикасининг ютуқлари билан қизиқкан, келажакда ўзини ядро физикаси фанига бағишламоқчи бўлган, унинг ривожига ҳисса қўшиш ниятида бўлган ёшларга ўзига хос туҳфа бўлди.

Китоб муаллифи ядро физикаси мавзуларини билимнинг ҳозирги замон даражасида баён эта олган. Ядро физикаси фанида ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган бундай китобни ёзиш қийинчилиги ҳаммага маълум. Ядро физикаси нисбатан ёш, шиддат билан ривожланаётган табиий фанларнинг бир соҳасидир. Рисоланинг мақсади — китобхонни ядро физикаси ва элементар зарралар физикасининг асосий ғоялари билан, шунингдек, кейинги йилларда тўпланган баъзи бир илмий муаммолар билан таништиришдир. Муаллиф микродунё физикасининг модда тузилишига оид, шунингдек, астрофизика ва космологиянинг ҳозирги замон тасаввурига эътиборни қаратади. Ушбу тасаввурлар, шунингдек ядро физикаси билан фаннинг бошқа соҳаларидаги жараёнлар орасидаги алоқа ҳозирги кун фанининг муҳим томонини ташкил этади.

Олий математикасиз ёзилган ушбу китобда, муаллифнинг ўзи таъкидлагандек, ядро физикаси ва элементар зарралар физикасининг классик бўлиб қолган кўпгина қисмлари фақат қисқагина баён этилди ва тушириб қолдирилди. Уларнинг ўрнига ҳозирги замон ядро физикаси, астрономия ва космологияга оид мавзулар киритилди.

Ушбу китобнинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда баён аста-секин мураккаблашиб бориб, натижада баён этилаётган ғоя қанчалик қийин бўлмасин, уни тушуниб олишнинг имкони яратилган.

Мазкур қўлланма муаллифнинг атом ядроси физикаси ва микродунё физикасининг ҳозирги замон тасаввурини ва унинг ривожланишини тўлароқ ўрганишга мўлжалланган қомусий китобларидан биридир.

Муаллиф учун ҳозирги кундаги бош масала — қандай бўлмасин ёшларни илм-фанга қизиқтириш. Муаллифнинг фикрича, шундай қилингандагина, улар катталар тажрибасидан фойдаланиб, фанни ҳозирги мураккаб ўтиш давридан келажак кунларгача бемалол олиб ўтадилар. Ҳа, бу жиҳатдан академик Р. Б. Бекжоновнинг «Атом ядроси ва зарралар физикаси» китоби ҳозирги замон физикасидан беназир ўргатувчи, ҳам ташвиқотчисидир.

Т. МЎМИНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси, ТошДУ профессори.
Р. ЯРМУҲАМЕДОВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор.

Спорт

МАҲОРАТНИНГ СИРИ

Спортнинг футбол тури энг оммалашган ва халқимиз севган ўйинлардан биридир. Футболда спортнинг барча кўринишлари мужассамлашган. Болаларнинг футболга иштиёқи ниҳоятда беқиёс эканлигини таърифламаса ҳам бўлади.

Пойтахтнинг Ҳамза туманидаги 77-мактабда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январда қабул қилинган «Узбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Тошкент шаҳар таълим муассасаларида футболни ривожлантириш» мавзусида амалий семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда ёш спортчиларнинг намунали чиқишлари намойиш қилиниб, футбол бўйича ўқув-машқ машғулотлари ўтказилди. Анжуманда «Шаҳар ўрта умумий, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар ва ўсмирлар жисмоний тайёргарлик клубларида футболни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар аҳволи ҳақида»ҳамда футбол бўйича амалиётчи мутахассис ходимларнинг маърузалари тингланди.

Семинар-кенгашда Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, Халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шуҳрат Жалилов иштирок этдилар.

Мухбиримиз.

ФУТБОЛЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ ДАВОМ ЭТАДИ

Республика ёшлар ўйинлари дастурига киритилган 15 хил спорт мусобақаларидан бири бўлган футбол беллашувлари Тошкент шаҳридаги стадионларда ўтказилмоқда. 24 апрель куни пойтахтимиздаги «Агрегат» заводи стадиони байрамона безатилди. Мингминглаб мактаб ўқувчилари, футбол ишқибозлари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ғолиб командалари мусобақаларининг тантанали очилишига тўпланишди.

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев ёшлар ўйинлари иштирокчиларини энг оммавий спорт тури бўлган футбол мусобақаси бошланиши билан қутлаб, муросасиз беллашувларда омад тилади ва улар орасидан мустақил мамлактимиз шон-шуҳратини оширишга қодир спортчилар етишиб чиқишига ишонч билдирди.

Одатдагидек, командалар сардорлари мусобақа байроғини кўтаришди. Шундан кейин Андижон вилояти ва Тошкент шаҳри командалари майдонга тушишди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаёқ андижонликларнинг чаққонлик билан қилган ҳаракатлари дарвозани нишонга олиш билан якунланди. Ҳисоб 1:0.

Шундан кейин пойтахт ёш футболчилари рақиблари дарвозасини ишғол қилишга кўп ҳаракат қилишди. Лекин дарвозабоннинг абжирлиги ва ҳимоячиларнинг аниқ ҳаракат қилишлари пойтахт спортчиларининг ҳаракатларини йўққа чиқарди. Бир марта улар зарб билан тепган туп дарвоза тўсинига тегиб қайтди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида ҳам андижонликлар ҳужумни сусайтиришмади ва иккинчи тўпни дарвозага йўллашди.

Ёшлар ўйинлари футбол мусобақаси очилиши маросимида Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Республика вилоятларининг футбол командалари уч гуруҳга бўлинган ҳолда саралаш ўйинларини утказишмоқда. Ун кун давом этадиган қизғин курашлардан сўнг мусобақа ғолиблари ва совриндорлари аниқланади.

Ғ. МАННОПОВ.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим Бош бошқармасининг бош назоратчи-услубиётчиси Шавкатжон Асқаровга отаси **Асқарали ХОЛИҚОВ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САЙИД.

Руйхатдан утиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Икром ИСКАНДАР, Лукмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0202. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи — 39 710.
1 2 3 4 5 6